Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 12 апрель
ЖУМА
№ 71 (5.162).
БАҲОСИ 8 тийин

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

ҒАЙРАТ КЎРСАТ, БОБОДЕҲҚОНИМ!

ДАЛАЛАР НАФАСИ

КИРОВ

«Москва» жамоа хўжалигида экиш-тикиш қизғин. Султонали Турсунов бошлиқ бригада ижарачилари Қўшмоқбой Деҳқонов ва Усмонали Каримов шартнома асосида бир гектардан ер олиб, мўл картошка етиштиришга 'бел боғлаганлар. Ҳар иккала миришкор ҳам қисқа муддатда уруғни қадаб бўлди. Бунда механизатор Қодирали Умаров ғайрат кўрсатди.

Солижон Йўлдошев бошлиқ бригададан Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Омбирбой Болтабоев етакчилигидаги ижарачилар эса икки гектар майдонга картошка экдилар. Хўжалик бўйича 6 гектарга шундай экин уруғи ташланди. Ҳарорат қулайлиги туфайли тезда ниҳоллар униб чиқди. Бугун-эрта парваришлаш бошлаб юборилади.

* * *

— Жорий йилда вилоят маркази аҳолисига 75 тонна бодринг етказиб беришга аҳд қилганмиз, — дейди Фарғонага туташ Ленин номли давлат хўжалиги иссиқхонасининг бригадир-агрономи Зарифа Тўйчиева. — Айни пайтда кунига 7—8 тонна янги узулган маҳсулот жўнатаяпмиз.

Ҳосилни сифатли саранжомлаб олишда Феруза Розиқова, Саёҳат Узоқова, Озода Ҳамидова, Еқут Раҳмонова каби ишчилар фаол қатнашмоқдалар.

Давлат хўжалиги Фарғона ва Қирғули деҳқон бозорларида мева-сабзавот сотадиган иккита дўкон очган. Шаҳарликлар улардан арзон баҳода маҳсулотлар харид қилишмоқда.

А. ТЎХТАСИНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ОҲАНГАРОН

«Оҳангарон» давлат ижара жамоаси ўтган йилни барча соҳалар бўйича яхши якунлагандк. Жорий йилда ҳам қутлуғ ниятлар кўзланган. Шу кезларда меҳнат аҳли дала ишларини қизитиб юборган. Жами 386 гектар майдонга сабзавот экиш мўлжалланган. Ҳозирги кунинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш, уруғ қадашни тезроқ тугаллаш чоралари кўрилаяпти.

Сабзаводчилар бугунга қадар 140 гектар ерга пиёз, 20 гектарга карам, 3 гектарга бодринг уруғларини сепишди. Бу борада Фурқат Мирзаев, Абдужаббор Абдужалолов бошқараётган бўлимлар илғорлик қилишди.

А. МАҲКАМОВ.

УЙЧИ

Шу кунларда «Ленинчи йўл» жамоа хўжалиги далаларига йўлингиз тушса, жўшқин меҳнатнинг устидан чиқасиз. Деҳқонлар баҳорги юмушларни ҳар қачонгидан авж олдириб юборганлар. Турсунбой Акбаров бошлиқ озуқачилик бригадасида ҳам шундай сафарбарлик ҳукмрон.

— Бу йил 344 гектар ерда деҳқончилик қилиб, юксак ҳосил олишни кўзлаганмиз, — дейди жамоа етакчиси. — Маккажўхори пайкалларининг ҳар гектаридан 60 центнердан дон, 400 центнердан кўк масса, бедапоянинг гектаридан 160 центнердан пичан олиш ният қилинган.

Бригадада тўлиқ оила пудрати жорий этилган. 36 нафар пудратчи шартнома асосида ишламоқда. Ҳар бирининг ихтиёрида 8—10 гектардан ер бор. 125 гектар эски бедазор бир сира озиқлантирилиб, ишловдан чиқарилди. Эндиликда қондириб суғорилмоқда. Шунингдек, кузда экилган 75 гектар янги бедапоя ҳам парваришланаяпти.

Бригадада шу кунларда экиш-тикиш авжида. 56 гектар ерда беда, 10 гектар ерда лавлаги, 50 гектарда маккажўхори уруғлари қадалади. Дала ишларида механизаторлар Мутал Қўчқоров, Нишон Юнусовлар фаол.

М. ҚОДИРОВ,
А. ҲОЖИМАТОВ.

Шу кунларда қалбида яратиш, яшнатиш жўш урган деҳқонинг ўрни далада. У қиш бўйи ишлов берилиб, баҳорнинг илк кунларидаёқ тобига келтирилган майдонларга барака уруғи қадамоқда. Пахтакор районидаги А. Иқромов номли давлат хўжалигида бу юмуш намунали ўтаётир. Хўжаликнинг 11-йириклаштирилган бригадаси даласида ижарачи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Тиловберди Жўраев ўғилларк билан 45 гектар ерда деҳқончилик қилаяпти. Улар ишни тўғри ташкил этиб, чигит экишни тугатдилар.

СУРАТЛАРДА: 1. Моҳир пахтакор Т. Жўраев ўғли Райимга йўл-йўриқ бермоқда. 2. Чигит экиш пайти.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ ЮМУШИ

Жумҳуриятимизнинг кўпгина вилоятларида ҳаво анча юришиб кетди. Кейинги уч-тўрт кунлик иссиқ туфайли тупроқ ҳарорати кўтарилиб, чигит экиш учун анчагина қулай шарт-шароитлар вужудга келди. Ҳозирги пайтда Тошкент вилоятида ерга барака уруғини қадаш жадал суръатларда олиб борилаяпти. Бу ерда кўзда тутилган майдонларнинг учдан бир қисмига уруғ ташлаб бўлинди. Ғалаба ва Янгийўл районларида 55 фоиз ерда чигит экиш ниҳоясига етказилди.

Сирдарё вилоятининг жанубий вилоятларида барака уруғини қадаш тезу соз олиб борилмоқда. Айрим пешқадам хўжаликларда чигит экиш якунланди. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Ғузор районидаги «Рассвет» ҳамда Майна Ҳасанова номли давлат хўжаликларида бу муҳим юмуш қисқа муддатларда адо этилди. Наманган вилоятининг Чортоқ районидаги «Октябрь» ва «Москва» жамоа хўжаликларида ҳозиргача 60—70 фоиз майдонга чигит экиб бўлинди.

Ипак пахта етиштиришда катта тажриба тўплаган Сурхондарё вилояти заршуносларининг режалаштирилган майдонларнинг бешдан бир қисмига барака уруғини ташладилар. Бу вилоятда ерларнинг 70 фоизида ипак пахта етиштириш кўзда тутилмоқда. Мазкур вилоятда чигит асосан пуштага экилаётганлигини, эрта баҳорда далалар обн-ҳаётга қондирилганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Бу тадбирлар чигитнинг бир текис униб чиқишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу вилоятнинг Жарқўрғон ва Термиз районларида кўзда тутилган майдонларнинг қарийб ярмига барака уруғи қадаб бўлинди. Жамоа ва давлат хўжаликларидаги барча техника воситалари экишга жалб этилган бўлиб, ҳар бир агрегат билан кунига ўртача 8—10 гектар майдонга барака уруғи ташланаяпти.

Андижон вилоятида ҳам кунлар иссиқ бошлаши билан агрегатлар далаларга олиб чиқилди. Айниқса Ленин райони хўжаликларида юқори меҳнат унумдорлигига эришилаяпти. Мазкур район далаларида 102 агрегат ёрдамида кунига 770 гектар ерга чигит экилмоқда. Бу режалаштирилган майдоннинг 12 фоизини ташкил этади. Марҳамат районида эса 118 агрегат билан кунига 1.084 гектар майдонга барака уруғи ташланаяпти. Ушбу район хўжаликларида ҳозиргача режалаштирилган майдонларнинг тўртдан бир қисмига чигит экиб бўлинди.

Азиз пахтакорлар! Баҳорнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, ер етишишига ва етарли миқдорда ҳарорат бўлишига қараб чигит экишни энг қулай муддатларда ўтказишга эришайлик.

Мутахассис маслаҳати

ЧИГИТНИ МЕЪЁРИДА ЭКАЙЛИК

Шу кунларда республикамизнинг баъзи вилоятларида чигит экиш қизғин олиб борилмоқда. Муҳим ишда илғор тажрибага, деҳқончилик талабига алоҳида эътибор бериш керак. Шулардан бири — уруғни тупроққа белгиланган узоқликка ва меъёрида аниқ ташлаш. Агар бунга аҳамият берилмаса майдонлардаги кўчатлар ортиқча қалинлашиб, яганалашни қийинлаштиради. Айни пайтда гектарига керагидан кўп чигит сарфланиб, қўшимча харажат бўлади.

Тажриба шуни кўрсатадики, агар қаторнинг ҳар метрига 25—30 донадан уруғ тушиши таъминланса, уларнинг ярми униб чиққан тақдирда гектаридан белгиланган миқдордаги кўчатлар олинади, яганалашда кам меҳнат сарфланади. Бу ҳолда қатор оралиғининг кенглиги 90 сантиметр бўлса бир гектарга 30—35, 60 сантиметрда эса 40—45 килограмм чигит ишлатилади, холос.

Жумҳуриятимиз хўжаликларида СТХ-4, СЧХ-4А, СХУ-4 сеялкалари мавжуд. Улар турлича бўлса-да ишчи қисмларининг созланиши асосан бир хил. Бу ҳақда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қўлланмаларда батафсил маълумот бор.

Сеялкаларни созлаш учун аввало яхшилаб намланган тукли чигит тайёрланади. Экиш агрегати тракторга маҳкамлангач қутиларига 4—5 килограммдан уруғлик солинади. Сўнгра заслонкаларни суриб, уруғ тушадиган тирқишлар бир хил ҳолатга келтирилади. Чигитни ўтказгичлар уялаш механизмларидан ажратилиб, сошникларга мустаҳкамланади. Ерга тушаётган уруғни тупроқ билан кўмиб кетмаслик ва унинг миқдорини санаш мумкин бўлиши учун загорчлар, зичлагич ғалтаклари кўтариб қўйилади. Шундан сўнг агрегат ишга шай бўлиб, далага олиб чиқилади ва синаб кўрилади.

Хўжаликда чигит қай тартибда экилишига қараб уялаш механизмларига қўлланмада кўрсатилганидек 4, 6, 8 ёки 12 парракли диска қўйилади.

СМХ-4 сеялкаси бирмунча такомиллаштирилган. Уни ўтган йилдан бошлаб «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси қўплаб етказиб бермоқда. Бу агрегатни олган хўжаликларда қўлланмани атрофлича ўрганиб, сўнгра сеялкани ишлатиш тавсия этилади. Уни ўсимлик турига қараб қатор оралиғи кенглигини, уруғлик кўмиш чуқурлигини, пуштанинг ҳар метрига қадаладиган чигит миқдорини аниқ қилиб созлаш керак. СМХ-4 идишлари тукли ва туксиз чигитлар учун битта. Фақат уларнинг турига қараб идиш ичидаги уруғлик ажратиш ва уялаш парракли дискларини алмаштириш керак, холос.

Экиш пайтида бир йўла қатордан белгиланган узоқликда ва чуқурликда гектарига 30 килограмм фосфор ҳам солинади. Унинг меъёри жойларда даланинг ҳолатига, тупроқ шароитига қараб, агроном томонидан белгиланади. Майдонга олиб киришдан аввал ПХГ-4 мосламасининг резервуарлари тоза сув билан тўлдирилиб, ҳар бир пуркагичдан чиқаётган обиҳаёт миқдори ўлчаб кўрилади. Бир минутда ҳар қайсисидан 1-1,2 литр сув чиқиши керак. Акс ҳолда босим ўзгартирилади. Мослама созланганидан кейин резервуарларга гербицид солинади. Бу аралашма-тракторнинг юриш тезлиги соатига 7 километр, қатор оралиғининг кенглиги 60 сантиметр бўлганда 4,5 гектар ерга, 90 сантиметрда эса 6 гектарга етади.

Шуни ёдда тутиш керакки, чигит экишни қисқа муддатда сифатли ўтказиш учун дала бошида агрегатларни уруғлик, ўғит ва гербицид билан таъминлайдиган пунктлар ҳам ташкил этиш лозим. Бу иш унумини анча оширади.

А. ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ходими.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
А. ҚОРАХОНОВ,
САИМЭ мутахассислари.

АҚЛ-ИДРОК ВА ТОТУВЛИК ИТТИФОҚИ

Юрий Гагарин коинотга парвоз қилган кунининг 30 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш

Қозоғистон ва Арманистонда, Украинада ва Болтиқбўйида ҳозирги апрель кунларида одамлар тилидан «Бизнинг Гагарин» деган сўзлар тушмаяпти. У парвоз қилгандан буён мамлакатда жуда кўп ўзгаришлар бўлди, лекин унга нисбатан хайрихоҳлик ҳам, Ватанимиз фан ва техникасининг бу катта ғалабасида барча республикаларнинг ҳиссаси борлиги туйғуси ўзгармай қолмоқда. Юрий Гагарин коинотга парвоз қилган кунинг 30 йиллигини тантанали нишонлаш учун 10 апрель куни Союзлар уйининг Колонна залига келганлар бу ғалабадан фахрланишларини, коинотга йўл очганларнинг фидокорликларига қойил қолганликларини яширмасдилар. Бу ерга космодром қурувчилари ва фазовий техника конструкторлари, коинот саноати корхоналарининг ишчилари ва муҳандислари, олимлар, совет фазогир-учувчилари, чет эллик меҳмонлар тўпланди. Йиғилиш раёсатидан СССР Президенти М. С. Горбачев, СССР Олий Кенгашининг раиси А. И. Лукьянов, СССР Бош вазири В. С. Павлов жой олдилар.

Йиғилишни М. С. Горбачев кириш сўзи билан очди. У бундай деди:

Азиз ўртоқлар! Ҳурматли меҳмонлар!

Биз сиз билан мамлакатимиз турмушидаги ва ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун инсоният маърифати тарихидаги буюк воқеани нишонлаш учун бу ерга тўпландик.

Бундан 30 йил муқаддам, баҳорнинг апрель кунларидан бирида Совет Иттифоқи фуқароси Юрий Алексеевич Гагарин инсоннинг коинотга парвозлари даврини бошлаб берди.

Гагарин шахсий жасоратининг тарихини атиги бир-икки жумла билан баён этиш мумкин: Россиянинг Ноқоратупроқ зонасида туғилиб ўсган ишчи ўсмир ажойиб учувчи бўлиб етишди. Жаҳон олий даражасидаги энг янги техникани эгалладн. Ниҳоят Совет Қозоғистони кенгликларида бунёд этилган «Бойқўнғир» космодромидан парвоз қилиб, ердан кўз кўриб қулоқ эшитмаган баландликка кўтарилди ва сайёрамизни атиги 108 дақиқада айланиб чиқди.

Ўша пайтда кўпчилик «рус мўъжизаси» деб ҳисоблаган бу воқеа аслида Циолковский, Королев, Келдиш ва Ватанимиздаги бошқа кўплаб машҳур олимлар ҳамда конструкторлар ижодий фикри парвозининг қонуний давоми бўлди. Бу яна ўн ва юз минглаб инженерлар, техниклар, ишчилар, амалда барча фан тармоқлари мутахассислари тинимсиз ижоди, меҳнатининг натижаси ҳам бўлди.

Гагариннинг парвозида кўп миллатли бутун совет халқимизнинг буюк жасоратларидан бири ўз ифодасини топди. Бугун бу ҳақда эслатиб ўтиш икки баравар жоиздир. Зеро, биз кимлардир жуда хоҳлагандек «аждодлари кимлигини эслолмайдиган Иван»га ўхшай олмаймиз. Буюк мамлакат халқининг қудратига ишончни, ватанпарварлик руҳини, Ватанимиз қудрати ва шуҳратини бунёд этганлар хотирасига миннатдорчилик туйғусини ҳеч ким сўндира олмайди! Совет космонавтикаси жаҳонда тан олинган фан, техника, саноат маҳсули сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакат илмий-техникавий тараққиётининг ана шу етакчи йўналишини ривожлантиришга дахлдор бўлганларнинг барчасига катта раҳмат!

Ватанимиз ўзининг барча фазогирларидан ниҳоятда миннатдор. Ҳар бирингизга саломатлик ва мардлик тилайман, қадрли ўртоқлар! Сизларнинг рафиқаларингизни, оилаларингизни, барча қариндош-уруғларингиз ва ёр-биродарларингизни космонавтика куни билан қизғин табриклайман!

Бизнинг эзгу тилакларимиз ҳозир ер атрофидаги орбитада ишлаётган Виктор Афанасьев билан Муса Манаровга ҳам етиб боради, деб умид қиламан. Мана шу тантанали залдаги қутловларни улар ҳам эшитишсин.

Ракета-коинот техникасининг ажойиб фахрийларидан бениҳоя миннатдормиз!

Космонавтика эришган ютуқлар бизнинг кундалик турмушимиздан мустаҳкам ўрин олди. Булар — алоқа ва телевидениенинг фазовий системалари, геодезияда, геологияда, метеорологияда, навигацияда фазовий аппаратлардан фойдаланишдир.

Космонавтиканинг бугунги ва эртанги куни — бу янги дори-дармонлар, электроника учун ниҳоятда тоза материаллар, композиция материаллари олишнинг энг янги технологиялари, экология мониторинги, қуёш энергиясидан фойдаланишнинг янги қоидаларини ўзлаштириш ва кўплаб бошқа имкониятлардир.

Космонавтиканинг муваффақиятлари, халқ хўжалигининг турли соҳаларида у келтираётган фойда — булар барча республикаларнинг, бизнинг Совет Иттифоқидаги ҳамма халқларнинг ҳамкорлиги самараси ва умумий мулкидир.

СССР Президенти сифатида космонавтика мамлакатимиз ишончли мудофаа қилинишига, қурол-яроғларни қисқартириш ва ишонч тадбирлари тўғрисидаги халқаро битимлар қандай бажарилаётганлигини назорат қилишга катта ҳисса қўшаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишим керак.

Бизнинг фазовий фанимиз ва техникамиз ҳозир халқаро ҳамкорлик учун ҳар вақтдагидан ҳам кенг очиқ. Совет Иттифоқи барча мамлакатлар БМТ ҳомийлигида коинот билан боғлиқ ахборотларни олиш тарафдори ва у бунинг учун ўз имкониятларини ишга солишга тайёр.

Биз Америка Қўшма Штатлари, Европа мамлакатлари, Хитой, Ҳиндистон ва Япония билан, амалда барча манфаатдор давлатлар ва ташкилотлар билан биргаликдаги фазовий тадқиқотларни давом эттириш ва ривожлантириш тарафдорimиз.

Шу муносабат билан биз нишонлаётган тантанада кўпгина чет мамлакатлардан келиб иштирок этаётган фазогирлар ва астронавтларни самимий, чин қалбдан қутлайман!

Халқаро ҳамкорлик истиқболлари барча томонлар учун манфаатлидир. Айниқса бизнинг мудофаа комплексимизнинг бир қанча етакчи тармоқлари ихтиёридаги жуда катта ақлу зиё ва ишлаб чиқариш имкониятлари конверсия қилиниши муносабати билан бундай ҳамкорлик янада манфаатлироқдир. Масалан, ниҳоятда қудратли ва экология жиҳатидан соф «энергия» ракетаси ёрдамида бунёд этилиши мумкин бўлган ишончли ҳамда кўпчилик фойдалана оладиган телефон ва радиоалоқа учун мўлжалланган фазовий платформалардан, универсал ахборот системаларидан чет эллик шериклар билан биргаликда фойдаланиш имкониятлари тўғрисида айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Халқаро коинот куни арафасида Совет Иттифоқининг фазовий фани, техникаси ва саноатига давлат ва жамоатчилик томонидан зарур ёрдам берилса, тинчлик шароитида бизнинг халқимизга, қолаверса бошқа халқларга ҳам инсон турмушининг барча соҳаларида тобора сезиларлироқ фойдали натижалар бера олишига ишонч билдиришни истардим.

Королев бошчилик қилган конструкторлик бюросининг вориси бўлган «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конструктори Ю. П. Семёнов маъруза қилди. Фазовий кемаларни одам бошқара бошлаганидан буён ўтган ўттиз йил, деди у, фақат ғалабалардан иборат бўлгани йўқ. Муваффақиятлар кетидан хатоларга ҳам йўл қўйилди, тажриба тўплаш жуда қимматга тушди. Коинотни тадқиқ этишда ўз ҳаётларини қурбон қилган кишиларнинг номлари космонавтика тарихида сақланиб қолади. Булар — «Союз-1»нинг синовчиси Владимир Комаров, дастлабки орбитал станциянинг экипажи Георгий Добровольский, Владислав Волков, Виктор Пацаев, Американинг «Челленжер» кемаси командасидир. Агар кутилмаган бахтсизлик юз бермаганда, Юрий Гагарин, чамаси, коинотга яна кўп маротаба парвоз қилган бўларди. Нотиқнинг фикрича, мана шунинг учун ҳам ишончлилик талаби барча ракета-коинот лойиҳаларининг энг асосий шарти бўлди.

Бизнинг фазовий дастуримиз, Америка дастуридан фарқ қилиб, аввалбошданоқ одам бошқарадиган лойиҳаларга устунлик бериб келмоқда. Гарчи, Совет Иттифоқи ер атрофидаги орбитага чиқарган ва бошқа сайёраларга юборган одам бошқармайдиган кемалар ва станцияларнинг умумий миқдори бир неча юзга етса-да, маърузачининг фикрича, орбитал комплекслар барпо этиш Ватанимиз космонавтикасида асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Кўп йиллардан буён бундай комплекслар орбитада ишламоқда ва ўқтин-ўқтин бориб туриладиган станцияда доимий ишловчи кўп модулли конструкциягача бўлган катта йўлни босиб ўтди. Шу йиллар мобайнида инсоннинг коинотдаги жуда кўп фаолият турлари ўзлаштирилди. Фан ва техниканинг турли соҳаларида тадқиқотлар ўтказишдан тортиб, қурилиш-монтаж ишлари олиб боришгача бўлган фаолият турлари шулар жумласидандир.

Ватанимиз космоновтикаси дадиллик билан жаҳон бозорига чиқмоқда. Маърузачи йиғилганларни таклиф этилаётган тижорат хизматлари билан таништириб, чет эл фазовий аппаратларини Совет ракеталари ёрдамида учириш, чет эл асбобларини бизнинг йўлдошларимиз ва станцияларимизга ўрнатиш, биргаликда тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказиш каби ишларни санаб ўтди. Ўтган йил декабрь ойида «Мир» станциясида япон фазогири ишлаган эди. Шартномалар имзоланди ва Буюк Британия, Австрия, Германия, Франция вакилларининг «Мир» станциясида ишлашига тайёргарлик кўрила бошланди. Европа фазовий агентлигига кирган мамлакатлар билан, Япония билан қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда, НАСА раҳбарларининг «Мир» орбитал комплексидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги таклифи аниқ таклифлардан биридир.

Маърузачи ўхшатиб таърифлаган конверсияга келганда эса, Юрий Гагарин коинотга учган ракета қитъалараро жанговар баллистик ракетани ўзгартириб, такомиллаштириш натижасида вужудга келган. Бу тинчлик мақсадлари учун хизмат қилувчи совет ракеталарининг кейинги авлодларига ҳам тааллуқлидир.

Шундан кейин йиғилишда «Интеркосмос» кенгашининг раиси академик В. А. Котельников, СССР фазогир-учувчиси авиация генерал-полковниги Г. С. Титов, дастлабки фазогир аёл, ҳозир эса чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Совет жамияти уюшмаси раёсатининг раиси В. В. Терешкова, «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари С. Л. Русаков сўзга чиқдилар. Залда илмий-тадқиқот орбитал комплекси экипажининг аъзолари Виктор Афанасьев билан Муса Маноров йўллаган ва магнит лентасига ёзиб олинган табрик сўзлари янгради.

Йиғилиш сўнгида уни бошқариб борган СССР Бош вазирининг ўринбосари Ю. Д. Маслюков ўз меҳнати билан фазовий техниканн яратган ва Ватанимиз шуҳратини мустаҳкамлаганларнинг барчасини байрам билан яна бир бор табриклади.

В. БЕЗБРЕЖНИЙ,
Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС мухбирлари.

20 апрель — умумхалқ ҳашари куни

ЭЛ ТИЛАГИ

Вилоятнинг бундан 50 йил аввалги қишлоқларига бугунги гавжум, серфайз масканлари қиёсланадиган бўлса юксалиш манзараси яққол намоён бўлади. Ҳар бир жабҳадаги ўзгаришларни вилоят бўйича кузатиш мумкин. Бу давр ичида шаҳарларгина эмас, қишлоқлар ҳам бош дастур асосида қайта қурилди. Қишлоқларда замонавий турар-жой, маъмурий, маиший хизмат бинолари ва магазинлар пайдо бўлди. Хонадонларга табиий газ етиб кела бошлади, йўлларга асфальт ётқизилди, хўжаликларда дам олиш ва даволаниш санаторийлари қад кўтарди.

Ободончиликда бизнинг жамоанинг ҳам ҳиссаси бор. Ўтган йили бинокорларимиз бош пудрат бўйича режадагидан 18 минг сўмлик кўп, жами 26 миллион 650 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этишди.

Бу йилги режаларимиз миқёси янада кенг. Ҳамма мутахассислар, қурувчилар иштирокида ишимиз кўламини батафсил белгилаб олдик. Бу йил 35 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга келишдик. Бошқача қилиб айтсак 14.237 квадрат метр турар-жой, 6.408 ўринли мактаб, 1.390 ўринли болалар боғчалари, 530 ўринли шифохона, 1.200 кишилик клуб қурилишларини тугаллаб, фойдаланишга топшириш ҳаракатидамиз.

Биз асосан хўжаликлар буюртмасини бажараяпмиз. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан қурилиш материаллари нархи ошди. Бу ишимизда жиддий мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Таъминотда узилишлар бошланди, бу ишимизга ҳозирданоқ ёмон таъсир кўрсатмоқда.

Биз таъминотдаги тангликни бартараф этиш тадбирларини амалга ошира бошладик. Жамоамизни қурилиш материаллари билан таъминловчи минтақалар талаби билан Янгиқўрғон районидаги «Гулшан» давлат хўжалигида шарбат цехи қурилишини бошладик. Мақсадимиз маҳсулот айирбошлаш йўли билан таъминотни яхшилашдир.

Аҳолига шинам уй-жой қуриб бериш билангина қишлоқлар ободонлашиб қолмайди. Якка тартибда уй қураётганларга ҳам зарур қурилиш материалларини етказиб беришда бизнинг кўмагимиз даркор. Бунинг учун ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш керак. Ўзимизда тайёрлаш мумкин бўлган қумшағал, пишиқ ғишт, оҳак, цемент ишлаб чиқаришни тезроқ йўлга қўйиш ҳаракатини бошладик.

Муаммоларни ҳал этиш мумкин. Биз бугунги қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартиш йўли билан уларни замонавий шаҳарчаларга айлантириш дастурини амалга оширишни жадаллаштираверамиз. Ниятимиз меҳнат аҳлига ҳам шаҳардаги каби коммунал хизматни тезроқ яратиб бериш. Зиммадаги ишларни тўлиқ ва сифатли бажариш қурувчи-бунёдкорлар меҳнатига боғлиқ. Уларнинг шароити яхшиланса мақсадга эришаверамиз. Шуни назарда тутиб, «Чортоқ» санаторийсида 30 ўрин, «Оромгоҳ» массивида жойлашган санаторий-профилакторий, Нанай қишлоғидаги пионер лагеримиз қурувчилар ва уларнинг оилаларига хизмат қилмоқда. Йиллар ўтар, вилоятимиздаги катта-катта қишлоқлар шаҳарларга айланар. Мана шундай улуғвор ҳаракатда биз ҳам қатнашаётганимиздан беҳад мамнунмиз.

Қурилиш бирлашмамиз 20 апрель куни ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида самарали қатнашишга аҳд қилишди. Шу куни бир неча ўн минг сўмлик иш бажаришни режалаштирдик. Ишлаб топилган пул жамоамиз киссасига тушиши айни муддаодир. Биз тушган маблағни хайрия ишларига ва бирлашмамиздаги кўп болали ҳамда моддий жиҳатдан қийналаётган оилаларга беришни режалаштирдик.

Халқимиз меҳнаткаш, камтарин, унинг нияти пок. Хайрли ишлардан у ҳеч четда қолмайди. Чунки бундай анъана бизга ота-бобомиздан мерос. Ҳашар — элга ярашар нақли халқимиз тилагидир.

А. ҲОЖИМИРЗАЕВ,
«1-Наманганагроқурилиш» бирлашмасининг бошлиғи.

Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» давлат хўжалигининг озуқакорлари қуёшли кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишаяпти. Экин-тикин ишларини тез ва сифатли амалга оширишда Султон Тўлаев бошлиқ маккажўҳоричилик бригадаси аъзолари намуна бўлишмоқда. Бу йил улар катта майдонларда паҳлавон экин парваришлаб, гектаридан камида 350 центнердан силос учун кўкпоя олишга аҳд қилишган.

СУРАТЛАРДА: 1. 3-бўлим бошқарувчиси Ф. Мирзаев (чапда), механизатор И. Турсунбоев ва бригадир С. Тўлаев уруғ сифатини кўздан кечиришаяпти. 2. Маккажўхори экилаётган пайт.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ҚИШЛОҚ СОВЕТИ ЁРДАМ БЕРДИ

Бахмал районидаги «Айқар» давлат хўжалигининг марказий қўрғони билан Тангатопди участкасига сув қувури ўтказилди. Бунинг учун Айқар қишлоқ Советининг депутатлари кўп иш қилишди. Тез орада бошқа қишлоқларга ҳам сифатли ичимлик сув боради.

Бу ерда ишлаётган доимий комиссиялар ўз ишларини меҳнаткашлар учун чиннакам ғамхўрлик кўрсатиш асосида олиб бормоқдалар. Буни қишлоқ аҳолисига ер ажратиб бериш мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир қарийб саксон кишига ер берилди. Уларнинг ярми ҳозирнинг ўзидаёқ олган ерларида уй тиклаб олишди. Оиласи катта меҳнаткашларга томорқа участкалари учун қўшимча равишда йигирма гектар унумдор ер ажратилди. Бу ерда етиштирилган маҳсулот деҳқонларнинг ўз дастурхонларинигина безаб қолмасдан, шу билан бирга район дўконлари пештахталаридан ҳам жой олади.

Қишлоқ аҳолиси ҳозирнинг ўзидаёқ хўжаликка гўшт ва сут сотаяпти. Яқиндагина давлат хўжалиги улардан йигирма тоннадан кўпроқ қўй ва мол гўшти сотиб олди. Мол боқаётган ҳовлиларга зарур ем-хашак етказиб берляпти. Уларга ҳозирнинг ўзидаёқ қарийб беш юз тонна хашак, юз тонна омихта ем, 30 тонна кунжара сотилди.

МЕҲНАТИГА ЯРАША

Қишлоқ аҳлининг яхши дам олиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш Зомин районидаги «Янги ҳаёт» давлат хўжалигининг касаба уюшмаси ташкилоти учун энг муҳим иш бўлиб қолди. Фақат шу йил бошидан буён деҳқонлар дам олишини ташкил қилиш учун тўрт ярим минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Қадрдон жойларда тезда ном чиқарган Зомин шифохонаси пайдо бўлди. Қолаверса, бадастур, меҳмондўст Ўратепа пансионати ҳам узоқ эмас.

Пахтакор А. Нурматов, механизаторлар Н. Ўразбоев ва А. Азимовлар Нальчик санаторийсида даволаниб келишди. Қишлоқлик саёҳат ишқибозлари Бухоро — Хоразм — Урганч — Хива саёҳат маршрутлари бўйлаб сафарга чиқишди. Уларга саёҳат учун йўлланмалар бепул берилди.

БЕМИННАТ ДАСТЁР

Андижон шаҳрининг аҳолиси зич жойлашган Клара Цеткин номли мавзесида яшовчи ногиронлар, ёлғиз ва кўп болали кишилар ҳар куни нонуштага иссиқ тандир нон ола бошлашди.

Бу ерда меҳр-мурувват ва саломатлик вилоят жамғармасининг нонвойхонаси ишга тушди. Нонвойхона жамоаси ўзи ёпган нонларни муҳтожлик сезаётган кўпгина андижонликларнинг уйларига элтиб беришга улгуряпти.

Бир қанча маҳаллаларда вилоят жамғармасининг ана шундай миллий нонвойхоналари ёлғиз ва муҳтож кишиларга хизмат қиляпти. Ҳозир шаҳар яқинидаги қадимий Ҳакент қишлоғида навбатдаги меҳр-мурувват нонвойхонаси қуриб битказиляпти. Бу қишлоқда деярли йигирма минг киши яшайди. Уларнинг аксарияти кўп болали онналардир.

Ҳозир вилоят шаҳар ва районларида меҳр-мурувват ва саломатлик вилоят жамғармасининг ўнта хайрия қаҳвахонаси ва ошхонаси очилган ҳамда ишлаб турибди. Бу жойларда вилоятдаги бир ярим мингдан зиёд ёлғиз ва муҳтож кишилар доимий равишда иссиқ овқат билан таъминланмоқда.

ҚАДОҚЛАШ ДАСТГОҲИ

Фарғона сут комбинати жамоаси ўзи тайёрлаётган сут маҳсулотларини эндиликда шиша идишларга эмас, балки қоғоз пакетларга қуйиб сотадиган бўлади. Фарғоналикларнинг Москва вилояти Подольск шаҳридаги Швеция қўшма корхонаси билан ҳамкорлиги шу янгиликни жорий этишга кўмаклашади. Қўшма корхона ёрдамида Швецияда ишлаб чиқарилган «тетрапак луч» қадоқлаш дастгоҳи харид қилинади. Бу машина бир соатда икки минг пакет маҳсулот чиқара олади. Натижада комбинат вилоят аҳолисининг сут ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондиради. Асосийси эса бир кунда 20 минг дона шиша идиш тежаб қолинади.

— Корхонамиз бир кунда 36 минг 400 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради, — дейди комбинат планлаштириш бўлимининг бошлиғи Н. Қодиров.

(ЎзТАГ мухбири).

ДЕПУТАТЛАР БОШ-ҚОШ

Жамнятдаги туб ўзгаришлар маҳаллий Кенгашлар иши, депутатлар фаолияти ва дастурларини янгилашда ҳам ўз таъсирини ўтказаётир. Улар тобора халқ билан ҳамнафас бўлиб, кишиларнинг ижтимоий, иқтисодий аҳволини яхшилаш йўлида изланмоқдалар.

Яккабоғ районидаги Хиёбон қишлоқ Совети ва унинг депутатлари ҳам бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Рашид Оловхонов раислик қилаётган доимий комиссия аъзолари 5 кишидан иборат. Улар қишлоқ Кенгаши ҳудудида савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, жойларда социалистик қонунчиликка амал қилишни, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришда ва уни йиғиштириб олишда умумий тартибларга тўла риоя этиш каби ишлар билан кенгроқ шуғулланмоқда.

— 8 та йирик қишлоқда депутатлар гуруҳи ташкил этилган, — дейди қишлоқ Кенгаши раисининг муовини Зулфия Боқиева.— Уларнинг ташаббуси билан Хиёбон, Уз, Ширози қишлоқлари аҳолиси ичимлик сув билан таъминланди. Хиёбонда ўрта мактаб қурилмоқда. Тўра Қодиров, Ором Суюнов сингари фаолларнинг ташаббуси билан қишлоқ йўлига тош тўкилиб, равонлаштирилди. Симёғочлар алмаштирилди.

Бундан ташқари шанбалик уюштириш, йўл ва ариқ ёқаларига дарахт кўчатлари ўтказиш, оналарда озодалик кунларини ташкил этиш одат тусига айланиб қолди. Қаровчисини йўқотганларга ёрдам кўрсатилмоқда. София Сандова, Ҳасан Муҳаммаднев каби кам даромадли оналаларга жамоа хўжалиги ва қишлоқ Кенгаши ҳисобидан моддий ёрдам берилиб, уй-жойларини таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, Эдилбек, Хиёбон қишлоқларида уй бекаларини иш билан таъминлаш мақсадида гилам тўқиш цехлари очишга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозиргача 47 оналга ер участкаси ажратилди.

Қўштегирмон ва Хиёбон қишлоқларининг хотин-қизлар Кенгаши раислари Зулфия Нормуродова, Мусаллам Қобилова олтмишдан зиёд ишсиз хотин-қизларни корхоналарга, бошқа ҳунармандчилик тармоқларига ишга жойлаштиришга эришдилар.

Х. ТЎРАЕВ.

ТАЛАБАЛАР НИЯТИ

Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш олийгоҳи жамоаси 20 апрель куни хайрия ҳашарини ўтказишга қарор қилди. Шу куни олийгоҳнинг энг яхши меъмор ва безакчилари, талаба ва ўқитувчилари Самарқанддаги 11-сағир болалар уйини таъмирлашга киришдилар. Бу ерда олийгоҳнинг «Улуғбек юлдузлари» эстрада ансамбли иштирокида хайрия концерти ҳам уюштирилади. Олийгоҳ жамоаси ҳамда унинг илмий ишларини амалиётга жорий қилиш бўлими томонидан йиғилган хайрия маблағи болалар уйи эҳтиёжлари учун сарфланади. Олийгоҳнинг кечки бўлим студентлари эса оталиқдаги 20-ўрта мактабда ҳашар ўтказадилар.

ФЕРМА ЖОНКУЯРИ

Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик давлат хўжалиги техникуми жамоаси 2 ферма молбоқари Тошан Жўрабоев номини тажрибали чорвадор сифатида ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас. Чунки у йигирма йилдан буён чорвачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Меҳнатсевар йигит озуқачилик бригадасида ишлашига қарамай, фермани афзал кўрди. Шу боис молбоқарлик касбини қисқа вақт ичида ўзлаштириб олди. Йиллар ўтгач эса пешқадамлар сафидан ўрин олди.

Ҳозирги кунда қарамоғида 87 бош говмиш бор. Уларга уч маҳал емиш бериб, яйратиб боқиш осон эмас, албатта. Шогирдлари ҳам анчагина. Масалан, Маъруф Қурбонов, Эргаш Қулметов сингарилар уни ҳақиқий устоз деб биладилар.

Фермада жами 1.360 бош қорамол бўлиб, шундан 416 боши соғин сигирлардир. Молларга озуқа тарқатиш, сут соғиш, суғориш, чиқиндиларни олиб чиқиш каби юмушлар механизациялаштирилган.

Сигирнинг сути тилида дейишади. Шунинг учун ҳам чорвадорлар молларни витаминларга бой, турли хил тўйимли озуқалар билан боқишга алоҳида аҳамият беришаётир. Натижада ойлик режалар муваффақиятли бажарилаяпти. Бунда Тошан Жўрабоевнинг ҳамкасблари Мустафо Сеитаблаев, Холдор Юлдибоев, Асил Расуловларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

— Ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган, — дейди комплекс бошлиғи Нурмат Еқубов. — Бу ўз навбатида ютуқлар омили бўлмоқда. Ҳар бир касб соҳиби ўзига юклатилган вазифани бекаму-кўст бажаришга одатланган. Чорвадорларимиз жорий йилда жами говмишлардан 1.786 тонна, ҳар бир сигирдан 3.630 килограммдан сериқаймоқ сут соғиб олиш, молларни бир кечакундузда семиртиришни 550 граммга етказишга аҳд қилганлар. Бунда меҳнатсевар Тошан Жўрабоевнинг тажрибаси айниқса асқотаяпти.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

Расмни М. ЖУРАЕВ чизган.

Оғитма хазинаси

Бухоро вилоятининг Шофиркон ноҳияси ерларига шимол томондан туташиб кетадиган Қизилқум саҳроси этагида Оғитма тўз кони бор эди. Унинг узунлиги 15 километр, эни 8 километр бўлиб, шимолдан Оғитма, жанубдан Ҳайитбой, шарқдан Юзбола, ғарбдан Ҳазорнур қирлари билан ўралган.

Кон қачон пайдо бўлган! Буни ҳеч ким билмайди. Маҳаллий аҳоли 1955 йили дўконларга тўз чиққунга қадар конеъматнин бошқа ерларга тўяларда олиб бориб сотар, шу тарзда турмуш кечирар эди. «Бухорарибпромхоз» мутахассислари конга Амударё сувини оқиздилар ва Тўда-кўлга бошқа ҳавзалардан балиқ келтириб, бу ерни балиқчилик хўжалигига айлантирдилар. Ҳозир уни Оғитма балиқчилик кўли дейишади.

Яқинда бу ерда бўлиб, мутахассис балиқ овловчи Азим Бозоров билан кўл, балиқ ови ҳақида суҳбатлашдик. У бизга қуйидагиларни айтди.

— Кўлда балиқ етарли. 1981 йилдан бери овланиб, ҳар йили белгиланган режалар ошиғи билан уддаланмоқда. Кўлнинг сувн шўр. Шундан бўлса керак, луқман ҳалоллар семиз, лаззатли бўлиб етилмоқда. Харидорлар уларни иштиҳа билан сотиб олмоқдалар, хўрандалар иноҳятда мамнун бўлишмоқда. Кўлда зоғорабалиқ, мўйлавбалиқ, оқкайроқ ва бошқа хил кумуш маржонлар бор. Тўрларимиз 3,5—4 килограмм тош босадиган балиқларни тутишга мослаштирилган. Бундан кичиклари тўрга тушганда улғайсин деб кўлга қўйиб юборамиз. 10 нафар овчимиз. Ҳаммамиз ога-иниларден бир-биримизни ҳурмат қиламиз.

Тажрибали овчи Михаил Романов ўз ишининг сир-асрорларини ўзгаларга яширмай ўргатади. Камчиликларимизни вақтида бартараф этамиз. Умримда балиқ овламаган бўлсам-да, бу ишни тезда мукаммал ўрганиб олдим. Биримиз ошпаз, қолганларимиз моторли қайиқларда ов қиламиз. 1990 йилги режамиз 100 тонна эди. Ғайрат-шижоат билан ишлаб, уни 110 тонна қилиб уддаладик. Бу йилги режамизни ҳам бажариш учун курашяпмиз. Вагонларда яшаймиз, зарур шарт-шароит яратилган. Радио, ойнаи жаҳон бор. Бўш вақтимизда рўзнома ва ойномалар, китоблар ўқиймиз. Шахмат-шашка, домино ўйнаб кўнглимизни чоғ этамиз. Ойлик маошларимиз 300—350 сўмдан тушмоқда. Вақтида оламиз.

— Чўлда зерикмайсизларми!

— Чўл деган билан аввалги кимсасиз, ҳувиллаган бўшлиқ эмас, — дейди А. Бозоров. — Ҳаммаёқда одамлар. Машина, тракторлар овози қулоқларга чалинади. Чўл ва кўл ҳавоси бегубор. Киши ҳамиша ўзини енгил сезади. Кўл устида парвоз қилувчи қушларнинг ёқимли овозлари ором беради. Баҳорда қирлар ям-яшил либосга ўралади. Ял-ял қизғалдоқлардан кўзлар қамашади. Бу кучимизга куч қўшиб, бизни унумли меҳнат қилишга чорлайди.

А. ҚОДИРОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

Қурилиш муаммоси

ТАЪМИНОТ ҚАЧОН ИЗГА ТУШАДИ?

Қишлоқ қурилишида муаммолар тобора қалашиб бораяпти. Иш сифати, материаллар тақчиллиги кўпчиликни ташвишга солаётганлиги сир эмас. Бригина қурилишда эмас, бошқа соҳаларда ҳам аҳвол танг. Занжирнинг учини топиш амри маҳол бўлиб қолди. Марказий Фарғона чўлларининг бир қисмини қамраган Комсомолобод районида бултур 9 миллион 84 минг сўм ўрнига 8 миллион 519 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилди. Турар жой бинолари бунёд этиш борасидаги режалар ора йўлда қолди. Тармоқдаги масъул раҳбарлар, мутахассислар фикрини билиш кўп нарсани ойдинлаштириш табиий. Шу мақсадда «Андижанводстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли механизациялашган 6-кўчма колонна бошлиғи Зуҳриддин Мирзаев, механизациялашган 7-кўчма колонна бошлиғи Абдумутал Абдубанноев, Комсомолобод район ижроия комитети раисининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари Маҳаммаджон Аҳмадалиев, район партия комитети ижтимоий-иқтисодий комиссия раисининг ўринбосари Абдусаттор Абдулаҳатов ўртоқларини давра суҳбатига таклиф этдик. Савол эса битта: «Қурилишда кенг қанот ёзмоққа нималар халақит бераяпти!».

З. МИРЗАЕВ: — 1990 йили асосий йўналишлар бўйича кўзланган муддаога эришилди. 3 миллион 300 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 5.600 квадрат метр турар жой бинолари фойдаланишга топширилиб, бу борадаги режа зиёдаси билан уддаланди. Меҳнат унумдорлиги ошди. 1991 йилдаги режа икки ҳисса катта: 6 миллион сўмлик иш бажаришимиз лозим. Бу айтишга осон. Мўлжалимиз бўйича, «Партия XXIV съезди» давлат хўжалиги ҳудудидаги 422 ўринли мактаб, 140 ўринли болалар боғчаси, «Андижон» балиқчилик совхози ўрамида бунёд этилаётган янги клуб бинолари қуриб битказилиши керак. Вазият эса ўтган йилдагидан мураккаб. Қурилиш материаллари нархи бир неча баравар оширилди. Мавжуд техника-механизмлар эскирган. Шунга ўхшаш муаммолар кўп. 1990 йилда 3 миллион дона ўрнига 1 миллион 800 минг дона пишган ғишт олдик, холос. Натижада бир талай режаларимиз қоғозда қолиб кетди. Ёғоч-тахта, темир-бетон қурилмалар, металл буюмлар таъминотидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Буюртмачига нима деб жавоб қилишга гаранг бўлиб қолаяпмиз.

А. АБДУБАННОЕВ: — Тўғри айтдингиз. 1990 йили биз 5 миллион 250 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширгандик. Бу йилгиси — 9 миллион 100 минг сўм. Ўйлаб турибсиз, бошинг қотади. Бинони фойдаланишга тахт қилиб қўйсангу ойна йўқлиги сабабли уни топшириш муддати орқага сурилса. Боз устига сени «пайсалкашлик»да айблаб дакки беришса, алам қилмайдими? Жамоамиз катта, аҳил. Материаллар тақчиллиги оқибатида мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмаётирмиз. Бу йил зиммамизда «Оқ олтин» совхозида 834 ўринли мактаб, 16 хонадонли 2 та турар жой, Мингбулоқ қишлоқ Совети биноси, район алоқа уйи, 422 ўринли мактаб, 180 ўринли иккита болалар боғчаси, 12 та кооператив уй қуриб бериш вазифаси турибди. Тегишли шартномалардан эса ҳали дарак йўқ. Цемент, ёғоч, темир-бетон каби буюмларнинг аксарияти четдан ташиб келтирилаяпти. Бу эса ишимизни мураккаблаштирмоқда.

М. АҲМАДАЛИЕВ: — Ортиқча маблағ, ташвишни айтмайсизми? Ўтган йили шартнома асосида Россиянинг турли шаҳарларидан қурилиш материаллари олиб келиб, аранг «жон» сақлагандик. Бу йил эса аҳвол чатоқ. Ҳали шартнома ҳам тузилмаган. Ваҳоланки районимизда турар жой, маданий-маиший бинолларга катта эҳтиёж сезилаяпти. «Андижанводстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тутаётган йўли кишини лол қолдиради. Районимизда қанча зарур ишлар туриб, иккита қурилиш ташкилоти жамоаси вилоят миқёсидаги бинолларга жалб қилинишини қандай тушуниш керак? Таъминотнинг ночорлиги ҳаммасидан ошиб тушади. Районда газлаштириш даражаси 36 фоиз. Ишни жадаллаштириш учун бизда имкониятлар чекланган. «В. И. Ленин 100 йиллиги» ва «Комсомол» совхозларига 74 километрли газ қувурлари тортилиши керак. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тахт, маблағ ҳам етарли. Лекин қувур йўқлиги учун иш жойидан силжимай турибди. Одамлар олдида хижолатдамиз. Улар табиий газ келишини интизор бўлиб кутишаяпти. Афсус...

А. АБДУЛАҲАТОВ: — Таъминотдаги тақчиллик гоҳо сунъий равишда вужудга келтирилаётганга ўхшайди. Мана, қаранг: Комсомолободга шағал билан қум Андижон районидан, яъни 100 километр масофадан ташиб қелтирилади. Бу бинолар таннархига, қурувчилар маошига таъсир кўрсатиши турган гап. Муаммони ҳал этиш имконияти бор. Қорадарёнинг ўзида шағал саралаш цехи очилса, олам гулистон. Ана шунда оралиқ масофа 6—7 баравар қисқариб, анчагина маблағ тежаб қолинган бўларди.

З. МИРЗАЕВ: — Бундай ўзибўларчилик, бошбошдоқлик қурувчиларни касбидан совутаяпти. Қурилишда малакали ишчилар етишмайди. Уларнинг аксарияти Комсомолободга Асака, Шаҳрихон, Марғилон шаҳарларидан, баъзилари ҳатто Бўз, Балиқчи, Наманган ва Фарғонадан қатнашади. Ҳар куни ўнлаб транспорт воситаларини қурувчиларни ташиш учун ажратишга мажбурмиз. Масофа 150—200 километр. Бензин бўлмай қолса, тамом. Иш тўхтайди. Бизни транспорт билан таъминлайдиган 6-автоколонна вилоят тасарруфида, Талаб қилгудек бўлсак, улар айбни нефть базасига ағдариб ҳўя қолишади. Нефть базаси қаёқдаю, биз қаёқда? Хуллас, минг уринманг, гуноҳкорни тополмайсиз. Ундан кўра транспорт воситалари ўзимизга топширилса, маъқулроқ эмасми? Ана шунда оворагарчиликдан қутилган бўлардик.

Энди бошқа бир чигалликни қаранг. Дейлик, биз бирор хўжаликда тегишли бинони битказиб, фойдаланишга топширдик. Лекин ўша хўжалик чўнтагида ортиқча маблағ йўқ. Натижада бажарилган иш учун бизнинг ҳисобимизга пул ўтказа олмайди. Бу кўринмас занжир чуқурлашиб бораверади. Пул йўқлиги учун биз автоколоннага, у эса нефть базасига маблағ ўтказа олмайди. Хўжасизликнинг боши бору, охири йўқ. Ана сизга муаммо!

А. АБДУБАННОЕВ: — Яна бир муаммо бор: қурилишда асосий ишлар ҳамон қўл кучи билан бажарилади. Оддий юк кўтаргичлар, кичик механизмлар йўқ ҳисобида. Ё цемент, ё ғишт кечикиб келади. Шунинг оқибатида бинолларни фойдаланишга топшириш муддати чўзилиб кетаётир. Ташвиш устига ташвиш, дилсиёҳчилик. Бундай аҳволда қурувчидан юқори меҳнат унумдорлигини талаб қилиш ақлга сиғадими?

М. АҲМАДАЛИЕВ: — Менинг фикрим шундай: қурилиш материаллари тақчиллигига барҳам бериш учун энг аввало савдода, тақсимотда қатъий тартиб ўрнатиш лозим. Бусиз муддаога эришиб бўлмайди. Вагонвагон ёғоч-тахта, шифер қинғир йўллар билан чайқовчилар қўлига ўтиб кетаётгани сир эмас. Мана шу «тўйнук»ни беркитиш керак. Токи уйжой қуриш оддий меҳнаткаш учун кони азобга айланмасин, инсофу диёнатдан путур кетмасин.

А. АБДУЛАҲАТОВ: — Ҳудди шу нарса қишлоқнинг ижтимоий қиёфасига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Тақчиллик, қимматчилик сабабли қурилаётган уйлар анчайин тор, кўримсиз, замонавий қулайликлардан бебаҳра. Бу эртанги авлодни қониқтирмаслиги, яшаш тарзини енгиллаштирмаслиги аниқ. Вақти келиб бугунги омонат уй-жойларни қайтадан қуриш муаммоси туғилса, додимизни кимга айтамиз?

Баён қилинган фикрларда эртанги кун учун чиннакамига қайғуриш, масъуллик туйғуси яққол сезилиб турибди. Дарҳақиқат, қишлоқ қурилишининг бугунги миқёслари кишини қаноатлантирмайди. Жиддийроқ мушоҳада қилиниса аён бўладики, ҳар битта қурилиш материали — шағалдан тортиб оддий михгача, бўёқдан тортиб ойнагача топилмас матоҳга айланиб бормоқда. Мавжуд иш услубининг яроқсизлиги аллақачон ўз исботини топган. Қурувчининг ўзини, касбидан безиётган экан, демак, вазият кутилганидан ҳам жиддий ва ташвишли. Таъминотни яхшилаш, хайрли йўлдаги тўсиқларни олиб ташлаш пайти келди. Маъмуриятчиликнинг кўримас кишанлари, чирик занжирлари билан қурилишда эркин ва дадил қанот ёзиб бўлмаслиги турган гап.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

12 апрель — фазогирлар куни

ТАЪЗИМ

Инсон илк бор фазоға парвоз қилганидан буён орадан ўттиз йил ўтди. Дастлаб Ернинг биринчи сунъий йўлдоши кўкка кўтарилганида жаҳон халқи ҳайратдан лол қолди. Бу инсоннинг фазога парвоз қилишига жуда яқин қолганлигидан далолат эди.

Жаҳон ахборот воситалари инсон дунё тарихида илк маротаба чеки йўқ фазо кенгликларига кўтарилганини хабар берди. У Советлар мамлакатининг фуқароси Юрий Алексеевич Гагарин эди. Ватандошимиз, жаҳоннинг биринчи фазогири Гагарин қилган парвоз инсоният тарихида янги давр бошланганлигидан дарак берди.

Жаҳон космонавтикаси шундан буён жуда катта йўлни босиб ўтди. Дастлаб Ернинг сунъий йўлдошлари кўкка учирилган бўлса, кейинчалик навбат сайёраларо автоматик станцияларга, бир ўринли фазовий кемалардан кўп кишилик экипажи алмаштириладиган йирик орбитал станцияларга, фан ва халқ хўжалиги мақсадларида ўтказилган тажрибалардан йирик тадқиқотларга келди.

Мамлакатимиз космонавтикаси ўтган йиллар мобайнида оламшумул муваффақиятларни қўлга киритди. Совет Иттифоқида яратилган фазовий кемалар Ер курраси кенгликларини тадқиқ этмоқда, Ойга, Зуҳро ва Миррих сайёралари сари йўл олмоқда. Фазо кенгликларини ўрганишда эришилаётган фан ютуқларидан халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. 1975 йилда мамлакатимизнинг «Союз» ва Американинг «Аполлон» кемаларида ҳамкорликда амалга оширилган парвоз ҳам катта илмий аҳамиятга эга бўлди.

Қатор мамлакатларнинг фазони ҳамкорликда қилган тадқиқотлари фан тараққиётига қўшилган ҳисса бўлиш билан бирга халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарликни мустаҳкамлашда катта роль ўйнамоқда.

Эндиликда фазо кенгликларини тинч мақсадларда ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқдаки, мамлакатимиз бу борада ҳам бошқа давлатларга ибрат кўрсатмоқда.

Совет фуқароси Юрий Алексеевич Гагарин фазога илк маротаба парвоз қилганлигининг шонли ўттиз йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу ишга ўз ҳиссасини қўшган фазогирларимиз, олимларимиз, фан-техника намояндаларининг номини ҳурмат билан тилга оламиз. Ватанимиз донғини оламга таратаётганликларига ҳамиша таъзимдамиз.

МАРСГА УЧИШ ОРЗУМИ?

Баъзан: «Марсга учиш шартмикин? Бусиз ҳам вазифалар тўлиб-тошиб ётибди-ку!» деган гапларни эшитиш мумкин. Шундай мулоҳаза юритиладиган бўлса, биринчи сунъий йўлдош ҳам учирилмаган, фазога Юрий Гагарин парвоз қилмаган ва ниҳоят космонавтика ҳам илғор фан сифатида ривож топмаган бўларди. Буларнинг бари маълум ҳақиқат.

СССР Президенти М. С. Горбачёв «Вашингтон пост» рўзномаси ва «Ньюсюк» жаридаси ноширлари билан суҳбатда: «Мен президент Рейганга Марсга учишни ташкил этишда ҳамкорлик қилишни таклиф этмоқчиман... Бу Америка ва совет халқлари учун муносиб иш бўларди», деган фикрни беҳуда айтмаганди.

Умуман, Марсга учишни уюштириш зарурми? Бунга жазм этилган тақдирда биз қандай техник имкониятларга эгамиз? Инсонни қандай фазовий кема у олис сайёрага етказа олади?

Ҳозир мамлакатимизда бу кеманинг дастлабки чизмаси мавжуд. У уч асосий—сайёраларга учишни таъминлайдиган мотор қурилмаси, бутун парвоз давомида экипаж яшаб, ишлайдиган хона, қўниш аппарати қисмларидан иборат.

Сайёраларароро кема «энергия» ракеталаридан олинадиган қисмлардан йиғилади. Барча тузилмалар ва агрегатларнинг ишлаш мароми текшириб кўрилгач, Марсга парвоз қилинади. Сафар чоғида унинг таркибида (4—6 киши) махсус тайёргарликдан ўтган турли мамлакат вакиллари қатнашишлари мумкин.

Кеманинг Марсгача учиши бир неча ой давом этади. Унинг учиш йўналиши Марс орбитаси билан кесишган нуқтагача боради. Мазкур сайёра орбитасига киргач, унинг сунъий йўлдошига айланади. Бу ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, кўп миқдорда ёқилғи керак бўлади. Шунинг учун ҳам у нисбатан унча катта бўлмайди, ичига экипаж тўла ёки бир қисми жойлашган қўниш аппаратида амалга оширилади. Марс юзасида режадаги ишлар бажариб бўлингач, экипаж яна орбитага кўтарилиб, айланиб турган сайёраларароро кемага ўтади ва Ерга қайтади.

Марсга учишнинг хавфсизлигини таъминлаш учун сафар бир вақтнинг ўзида иккита сайёраларароро кема ёрдамида амалга оширилиши ҳам мумкин. Бунда ҳар иккала экипаж зарур бўлганда бир-бирларига ёрдам бериши назарда тутилади.

Ядровий электр реактив қурилма янада самарали. Унинг иссиқлик энергияси электр энергиясига айланади. Бу тортиш кучи учун зарур манбани келтириб чиқаради.

Сайёраларароро кеманинг бошқа қисмлари хусусига келсак, яшаш блоки унинг маркази ҳисобланади. У герметик (зич беркитилган) бўлинмалардан иборат бўлади. Унда экипажлар учун хоналар ва асбоблар ўрнатилган мўъжаз бўлмалар жойлашади.

Кеманинг асосий қисмларидан бири — қўнувчи аппаратдир. У мувофиқлаштирилган ядро динамик шаклда бўлиб, атмосфера шароитида қўнишга мослашгандир. Қўнувчи аппаратда кўтарилишни таъминловчи ракета бўлиб, ундаги экипаж сайёраларароро кемага қайтади.

Ҳозирги кунда космик парвозларда қатнашаётган кўпгина мамлакатлар мазкур кемада фойдаланиш мумкин бўлган турли асбоблар ва ускуналар ишлаб чиқаришда катта тажриба тўпдаган.

Экипаж вазнсизлик шароитида узоқ муддат давомида ишлай олиши мумкинми? — деган ҳақли савол туғилади. СССРда кўп йиллардан буён бу борада муайян ишлар олиб борилаётир ва қатор ютуқларга эришилмоқда. Экипажнинг жисмоний ҳолатини дадиллаштирадиган воситалар, мускулни ва юрак-томирларни чиниқтирадиган асбоблар ишлаб чиқилди. Сурункасига бир неча йил давомида экипажларнинг орбитал станцияларда учишлари учун имконият ва асосга эгамиз.

Албатта, бу борадаги муаммолар осонлик билан ҳал бўлмайди. Фазогирларнинг бошқа сайёра — Марсга парвозидек улкан ва ғоят масъулиятли ишни ташкил этиш учун самовий техника мутахассислари кўпгина масалаларни ҳал қилишлари лозим.

Яқин сайёралардан бирига парвоз қилиш бугунги кун тартибида турибди. Бу фақат илмий ва техникавий масала бўлибгина қолмасдан, айни вақтда заминдаги юксак тараққиёт самараси ҳамдир.

С. ҲАЙДАРОВ.

Учувчи- фазогирлар Герман Титов ва Юрий Гагарин ўзаро суҳбатда.

Германия, Австрия, Франция ва Англия фуқароларн Москва областидаги Ю. А. Гагарин номли фазогирлар тайёрлаш марказида умумҳозирликдан ўтмоқдалар.

СУРАТДА: германиялик фазогирликка номзод синовчи учувчилар Клаус-Дитрих Фладе (чапда), физик Эвальд Рейнхольд (ўнгда) ва қозоғистонлик Талгат Мусабоевлар.

А. ПУШКАРЕВ олган сурат. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков раислигида жумҳурият вазирликлари, идоралари, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбарларининг Ўзбекистон умумхалқ ҳашарига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган кенгаши бўлди.

Жумҳурият Касаба Уюшмалари Федерацияси, Қизил ярим ой жамияти ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳамда жумҳурият меҳр-мурувват ва саломатлик жамғармасининг 1991 йил 20 апрель куни ҳашар ўтказиш ва шу куни ишлаб топилган маблағлардан хайрия мақсадларида фойдаланиш тўғрисида жумҳуриятимизнинг барча аҳолисига мурожаатномаси кўпгина меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида кенг қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетига, жумҳурият вазирликлари ва идораларига тармоқлар ва ҳудудларда тайёргарлик ишларини уюштирадиган, ҳашар ўтказиладиган куни одамларни иш билан таъминлайдиган муайян кишиларни ҳамма ерда аниқлаб чиқишни топширди. Ҳашарда қатнашадиган барча кишиларнинг юқори унумли меҳнат қилиши учун, айниқса халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий-маиший иншоотлар қурилиши, баҳорги дала ишлари, меҳнаткашлар яшайдиган ва ишлайдиган жойлардаги ҳудудларнинг унум билан меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида топшириқ берилди.

Вазирлар Маҳкамаси меҳнат жамоаларининг ҳашар куни ишлаб топилган маблағларни корхоналар ва ташкилотлар касаба уюшмалари комитетларининг махсус ҳисобига ўтказиш ҳамда уларни меҳнат жамоалари Кенгашларининг қарорлари асосида кейинчалик хайрия мақсадларида, асосан аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлашда, болалар уйларида тарбияланаётганларнинг, ногирон болаларнинг, пенсионерлар ва ёрдамга муҳтож барча қарияларнинг овқатланишини ташкил этишда фойдаланиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади.

Оммавий ахборот воситаларига жумҳурият ҳашарига тайёргарликнинг боришини ва унинг ўтказилишини кенг ёритиш топширилди. Ўзбекистон ССР Давлат ҳисоб комитети ҳашар якунларини тезда чиқариши ва у ҳақда жумҳурият ҳукуматига ахборот бериши керак.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов қатнашди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш, уларни рўйхатга олганлик учун тўлов йиғиш тартиби ва миқдори тўғрисида» қарор қабул қилди. У Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисидаги «Ўзбекистон ССР Қонунини кучга киритиш тўғрисида» 1991 йил 15 февралдаги қарорига мувофиқ қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

Жамоат бирлашмалари уставларини Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги идораларида рўйхатга олганлик учун қуйидаги миқдорда тўлов олиниши белгилаб қўйилсин:

жумҳурият жамоат бирлашмаларидан	3000 сўм;
халқаро жамоат бирлашмаларидан	3000 сўм;
жумҳуриятлараро жамоат бирлашмаларидан	2000 сўм;
умумиттифоқ бирлашмаларининг жумҳурият бўғинларидан	2000 сўм;
фаолияти маъмурий-ҳудудий тузилмаларга дахлдор бўлган жамоат бирлашмаларидан	1000 сўм;

Қорақалпоғистон МССР ҳудудида фаолият кўрсатадиган жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш учун тўлов миқдорлари Қорақалпоғистон МССР қонунлари билан белгиланади.

Ногиронлар, хотин-қизлар, фахрийлар, ёшлар ва болалар жамоат ташкилотлари уставларини рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш учун белгиланган тўлов миқдорининг 10 фоизи олинади.

Ўзбекистон ССР Молия вазирлигига ва унинг жойлардаги идораларига тегишли адлия идоралари билан келишган ҳолда бошқа жамоат ташкилотларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш учун тўлов олиш миқдори қарорга мувофиқ жумҳурият бюджети даромадига белгиланган тартибда ўтказилади.

Жамоат бирлашмалари уставларини ўзгартириш ва қўшимча киритиш учун рўйхатдан ўтказиш тўловлари уларнинг уставлари рўйхатдан ўтказилаётганда тўланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида олинади.

Жамоат бирлашмалари уставларини ва уларда кейинчалик бўлган ўзгаришлар ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказганлик учун тўлов олиш миқдори қарорга мувофиқ жумҳурият бюджети даромадига белгиланган тартибда ўтказилади.



Узоқларга мағрур назар ташлайсан,
Сен дилларда,
юракларда яшайсан.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

РАҚАМЛАР КЎЗГУСИДА

● **Космонавтика куни СССР Олий Совети Президиумининг 1962 йил 9 апрелдаги фармонига биноан ҳар йили 12 апрелда тантанали равишда нишонланади. Бу кун Халқаро авиация уюшмаси қарори билан Бутунжаҳон авиация ва космонавтика куни деб эълон қилинган.**

● 1957 йил 4 октябрда Совет Иттифоқида инсоният тарихида Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилди.

● **Фазога илк бор парвоз қилган совет фуқароси Юрий Алексеевич Гагарин 1961 йил 12 апрель куни Ер атрофида 1 соату 48 дақиқа учганди.**

● Биринчи фазовий кема «Союз—1» 1967 йил 23 апрелда учирилди. Ўтган йилларда фазога парвоз этган шу хилдаги кемалар учиш чоғида кенг ҳаракат қилиш, бошқа кемалар билан тутатиш, йиғма илмий-техникавий тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказиш имконини берди. «Союз» кемаларидан бири илк халқаро фазовий тажрибада қатнашиб, Американинг «Аполлон» кемаси билан туташтирилди.

● «Луна-24» деб аталган совет автоматик станцияси 1976 йилнинг 9—22 августида фазода бўлди. Ундан Ойга туширилган аппарат Ерга унинг табиий йўлдоши тупроғидан намуна келтирди.

● Социалистик мамлакатлар билан фазо кенгликларини тадқиқ қилиш ва тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича ҳамкорлик қилиш «Интеркосмос» дастури кўп йиллардан буён амалга оширилаётир. Унда Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи, Чехословакиянинг илмий ва ишлаб чиқариш жамоалари қатнашдилар.

● **Байналмилал экипажларнинг фазога қилган парвозлари халқлар ўртасидаги дўстлик қудрати кўп нарсаларга қодир эканлигини бутун оламга намойиш этди.**

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти билан жумҳурият журналистлар уюшмаси «Инсон ва табиат» шиори остида ҳар йили ўтказадиган жумҳурият танловининг якунлари чиқарилди.

Биринчи мукофот ва биринчи даражали диплом **«Правда Востока»** рўзномасининг таҳририятига берилди. Иккинчи мукофотга **«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»**, **«Ёш ленинчи»** рўзномаларининг таҳририятлари, учинчи мукофотга эса **«Совет Ўзбекистони»**, **«Қишлоқ ҳақиқати»**, **«Молодежь Узбекистана»** рўзномаларининг таҳририятлари сазовор бўлдилар. **«Ҳақиқати Узбекистон»**, **«Ленин учқуни»**, **«Пионер Востока»** рўзномаларининг таҳририятлари рағбатлантирувчи мукофотлар ва ёрлиқлар билан тақдирланди.

Вилоят рўзномалари орасида биринчи мукофотлар ва биринчи даражали дипломлар **«Ташкентская правда»** ва **«Бухоро ҳақиқати»** таҳририятларига берилди. Иккинчи мукофот билан **«Тошкент ҳақиқати»**, **«Джизакская правда»**, **«Наманганская правда»** рўзномаларининг таҳририятлари, учинчи мукофот билан **«Кашкадарьинская правда»**, **«Коммунист»**, **«Ленин байроғи»** (Сурхондарё вилояти), **«Советская Бухара»**, **«Коммуна»** рўзномаларининг таҳририятлари тақдирланди.

«Жиззах ҳақиқати», **«Ленинское знамя»**, **«Ферганская правда»** рўзномаларининг таҳририятлари Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти ва журналистлар уюшмасининг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланди.

Шаҳар ва район рўзномалари орасида **«Коммунистик меҳнат учун»** (Бухоро вилояти) ва Задарё районидаги **«Коммунизм йўли»** рўзномаларининг таҳририятлари ғолиб деб топилди. Уларга биринчи мукофотлар ва биринчи даражали дипломлар топширилади. Шаҳрисабзнинг **«Коммунизм байроғи»**, Чирчиқнинг **«Химик»**, Жомбойнинг **«Шонли меҳнат»**, Олтиариқнинг **«Давр овози»** рўзномаларига иккинчи мукофот берилди. Китоб район **«Ғалаба»** рўзномаси, Булунғур районининг **«Коммунист»**, Оржоникидзе районининг **«Коммунизм тонги»**, Пешку районининг **«Меҳнат зарбдори»**, Қоракўл районининг **«Олға»**, Боғот районининг **«Ленин йўли»** рўзномалари учинчи мукофот билан тақдирланди. Чирокчи районида чиқадиган **«Олға»**, Самарқандда нашр этиладиган **«Шарқ тонги»**, Каттақўрғон районининг **«Зарафшон»**, Оққўрғон районининг **«Мўл ҳосил учун»**, Бухорода чиқадиган **«Ленин байроғи»**, Свердлов районининг **«Коммунизм тонги»**, Наманганда чиқадиган **«Учқун»**, Янгиқўрғон районининг **«Меҳнат байроғи»**, Марғилоннинг **«Марғилон ҳақиқати»**, Ёзёвон районида чиқадиган **«Марказий Фарғона»** рўзномаларининг таҳририятлари рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди.

Ўрта Чирчиқ районининг **«Ўрта Чирчиқ»**, Тошлокда чиқадиган **«Тошлоқ тонги»**, Воҳкент районининг **«Ленин йўли»**, Чустда чиқадиган **«Чуст ҳақиқати»**, Бағдод районининг **«Авангард»** рўзномалари табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг ёрлиқлари билан тақдирланди.

Танловда фаол қатнашган журналистлар ва табиатсеварларнинг ишлари ҳам мукофотлар ва дипломлар билан тақдирланди.

(ЎзТАГ).

ФАХР

Хонадонимизга киришингиз билан пешайвоннинг тўрида жаҳоннинг биринчи космонавт учувчиси Юрий Алексеевич Гагарин суратига кўзингиз тушади. Мана шу ажойиб сурат тарихи кенг ёйилган, мукофотларга сазовор бўлган, муаллифи Борис Данилович Градовга (марҳум) омад келтирган. Фазогирга меҳр ва ҳавас билан тикиламан. Фақат Гагарингагина хос бўлган беғубор табассум, самимийлик қалбларга илиқлик олиб киради, инсонни эзгулик сари чорлайди.

Юрий Алексеевич Ватани, ҳаётни, одамларни севарди. Унинг афсонага айланган ҳаёти, фаолияти мардлик, қаҳрамонлик рамзидир. Районимиз ана шу улуғ инсон номи билан аталаётганлигидан фахрланамиз. Чўлда ишлаш учун инсонда Гагаринча дадиллик, фидойилик, қийинчиликларни мардона енгиш, мақсад сари интилиш каби фазилатлар мужассам бўлиши керак. Ўзим ҳам биринчилар қатори чўлга отландим. Гармсел, шамолу довулларга бардош бердим. Яхши ният билан ер ўзлаштириб, бепоён пахтазорлар барпо этдик. Дастлабки йиллар қанчалик оғир бўлганлигини таърифлашга ожизман. Чўлқуварлар елкама-елка турib ғўза парваришладилар. Айниқса Чори Ҳамроев, Худойназар Ражабов каби деҳқонлар алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Ҳамжиҳатлик, касб-корга садоқат туфайли пахтачилик жадал ривожланди. Хўжалик бақувват совхозлардан бирига айланди. Ўтган йили давлатга 7.700 тоннадан ортиқ пахта, 1.024 тонна дон, 9.200 тонна полиз маҳсулотлари топширилди. Чорвачилик ҳам жадал ривожланаяпти.

Ўзим ҳам карвондан ортда қолмаяпман. Узоқ йиллар мобайнида механизаторлик қилдим. Пўлат этакдан тонна-тонналаб оқ олтин тўкдим. Ҳозирги кунда бригадага баҳоли қудрат бошчилик қилаяпман. Бултур ҳар гектар ердан 32 центнердан қимматли хом ашё йиғиштириб олдик. Жорий йилда бу кўрсаткични камида 35 центнерга етказамиз.

Баҳор серёғин келди. Сўнгги ҳафтадаги сел деҳқонларга ташвиш туғдирди. Бироқ, чўлқуварлар довдираб қолишмади. Бутун диққат-эътибор даҳиқалардан унумли фойдаланиб, чигитни тез ва соз экиб олишга қаратилмоқда. Қувонч билан таъкидлайман, жумҳурият Президентининг ҳаётбахш фармонлари чўлқуварлар ҳаётини фаровонлаштиришга муҳим ҳисса қўшаяпти. Масалан, хўжалигимизга булоқ суви келтирилди. Хонадонлар табиий газдан баҳраманд бўлишаяпти.

Бугун инсон космосни забт этган кунга 30 йил тўлди. Унутилмас, ҳаяжонли кунда аввало фахримиз, ғуруримиз Юрий Гагаринни ёдга оламиз. Унинг порлоқ хотираси олдида таъзим қиламиз.

У. ЖЎРАЕВА,
Гагарин районидаги Абдулла Набиев номли давлат хўжалиги бригадири.

ГАГАРИН ВА БОЙҚЎНҒИР

Бойқўнғир.. Фазога парвоз қилинадиган бу манзилгоҳ номи эндиликда кўпчиликка маълум ва таниш. Коинотга илк бор учган фазогирлар карвонбошиси Юрий Гагарин бу ерни ниҳоятда севар, қадрлар эди. Бунинг сабаби бор, албатта. У шу жойдан коинотга парвоз қилиб, номи бутун дунёга тарқалди.

Шу боис Юрий Бойқўнғирга ҳар сафар келганида бу ердагиларга, барча нарсаларга чуқур ҳурмат билан қарарди. Бу гагаринча, фақат унга хос бўлган эҳтиром эди. У қайси бурчакда бўлмасин, ўша ерда хушчақчаклик ҳукм сурар, одамлар самимий ҳазиллашар, уларнинг кайфияти чоғ бўлиб кетарди.

Гагарин Бойқўнғирга ташриф буюрганида у билан учрашувга таклиф этиш, буни лутфан илтимос қилиш шарт эмас эди. Одамлар унинг дарагини эшитишлари билан гўё ҳаётларида энг қувончли воқеа рўй бергандек дарҳол тўпланишар, учрашув бошланмасданоқ ҳаммаёқ гавжум бўлиб кетарди.

Бойқўнғир Гагарин номини оламга танитди. Биринчи фазогир туфайли бу манзилгоҳ бутун дунёда машҳур бўлиб кетди.

Эндиликда Бойқўнғирда Ер куррасининг илк фазогири номи билан боғлиқ унутилмас жойлар пайдо бўлди. Унинг космодромда ўтган ҳаёти ва фаолияти сермазмун кечди. У бу ерда бўлажак парвозлар учун тайёргарлик кўрди, сўнгра учишда иштирокчиларига ёрдам берди. Ўзи иккинчи бор парвоз қилишга шайланди, зачёт топширди, В. Комаровнинг дублёри бўлди.

Юрий Гагарин ҳалок бўлганидан сўнг унинг дўстлари, ўртоқлари, таниш-билишлари В. С. Беляев, Г. П. Волков, В. А. Зябрев, Б. М. Кузнеченков, В. В. Порошков, В. Я. Хильченков ва бошқалар унинг номи билан боғлиқ нарсаларни топишга киришдилар. Уларнинг шахсий архивларида илк фазогир фетъ-атворини очиб беруvчи қанчадан-қанча суратлар авайлаб сақланаётганди. Уларда Гагаринниг минг-минглаб одамлар билан учрашувлари, мулоқотлари ўз ифодасини топганди. Бойқўнғирнинг хизмат кўрсатган фахрийлари бу суратлар орқали Гагарин сиймосининг ҳали чизилмаган қирраларини очиб беришга азму қарор бергандилар.

Қисқаси, фазо кенгликларини илк бор забт этган бу ажойиб инсон номи юракларда, хотираларда мангу ўчмас бўлиб қолди, афсонага айланди.

Гўлқайчи

АВЛОДЛАР НАСИБАСИГА ЧАНГ СОЛМАНГ

Талабалик даври нонини бирғаликда баҳам кўрган рассом дўстим билан Норин ноҳияси ҳудудини айланарканмиз, у:

— Қўшбулоқ бўйига бормаймизми? — деб қолди.

Меҳмон амри вожиб. Рассом айтган жойга бордик. У машина эшигини очаркан, эътиборсизгина қўл силтади:

— Бу ер хароб бўлиб-ку!

Булоқ қуриган, ўрни суриб текисланган. Атрофдаги қамишзорлар ўрнига пахта экилаяпти.

Ҳамроҳим таътил кунларида мен билан келган, неча бор ўша маҳалда тўлқин уриб оққан, ҳозир эса аранг жилдираётган Қорадарё, биз турган ердан сал нарида унга қўшилган Қолгандарё соҳили манзараларини чизганди. Улар орасида «Булоқ замин кўз ёшларидир» деб номлангани ғоят муваффақиятли чиққан, толиби-ҳаваскор рассомлар кўригида яхши баҳо олган, бу ҳақда рўзномаларда ёзилганди.

Қачон Чортоқ ноҳиясининг Балиққўл қишлоғига йўлим тушса, рассом дўстимнинг ўша расми ёдимга келади: ойнадек ялтираётган булоқ чеккасида танаси қалқиётган қамиш попуклари шамолда оҳиста чайқалади. Дарё узра қўёш ёғдуси жилва қилади. Ер қаъридан чиқаётган биллур томчилар сув юзасида жажжи гулдасталар ҳосил қилади. Булоқнинг биқинидаги ажриқзорда елкаларига қўза кўтарган икки келинчак...

Табиат саховатини аямаган бу қишлоқ эрта баҳордан зиёратчилар билан гавжумлашади. Қўшни вилоятлардан ташриф буюраётганлар бесаноқ. Деярли икки гектар майдонда асрий қайрағочлар, шамолда шапалоқсимон барглари шилдиратаётган баҳайбат бақатераклар, чор атрофда эса бири иккинчисига туташиб кетган боғлар. Энг муҳими, толиққан асабингизга ором берувчи булоқлар, осмонга қад кўтарган дарахтлар орасида жилдираётган кумуш сувли ариқлар. Ер остида қайнаб чиқаётган обиҳаёт билан лиқ тўла ҳовузлар. Улар ичида қишда ҳам яшил гиламдек ястанган сув ўтлари орасида ўйноқлашаётган балиқлар... Қумуш танли ажабтовур бу жониворлар ғамхўр кишилар томонидан ташланган озиқларни талашибтортишади, неча асрлардирки, ўз дахлсизликларига ишончи бордек, инсон зотидан чўчимасдан ҳаёт тарзини давом эттиришади.

Балиққўл билан боғлиқ афсоналар ҳам бор. Уларга ишонмасдан жониворларга қўл чўзганларнинг жазоларини тортганликлари ҳам ҳақ гап. Улар танасидаги қандайдир модданинг бир томчиси ҳатто отни ҳам йиқитар экан. Тоғлар бағридан силқиб, ер юзига чиқаётган чашмалар сувн таркибидаги моддалар минг дардга даво бўлиши фан аҳллари томонидан аллақачон исботланган.

Турғунлик йилларининг иллати бу соҳани ҳам четлаб ўтмади. Оёғи остидан нарини кўра олмаган баъзи раҳбарларнинг жоҳиллиги туфайли булоқлар теварагидаги тарихий бинолар бузилди, зиёратчиларга хизмат кўрсатаётган шайхларга нисбатан кескин чоралар кўрилди. Оромгоҳга милиция постлари қўйишгача борилди. Ёзнинг жазирама кунларида чашманинг салқин сувидан баҳра олишни истаганлар бу ерларга яқин келтирилмади. Шу тариқа динни, булоқларнинг «муқаддас»лигини йўққа чиқариш йўлидаги зўравонлик амалда акс натижасини берди, у билан боғлиқ ривоят ва афсоналар кенг оммалашди.

Табиат ардоқлаган масканн билан алоқадор нохуш янгилик менда ғоят ноҳуш кайфият уйғотди: Балиққўл қишлоғидаги булоқлар қурий бошлабди. Ҳозирдаёқ уларнинг учдан бир қисми сув бермай қўйибди.

— Эҳтимол, бекилган булоқ кўзларини очиш лозимдир?

Танишим мийиғида кулди:

— Қишлоғимиз билан тоғлар оралиғида ташкил этилган давлат хўжаликларида сой сувига қаноат қилишмасдан тик қудуқлар қазишга берилиб кетишди. Ҳозирдаёқ улардан ўндан ортиғи қаторлаштириб қўйилди. Шу йўл билан олинаётган сув экинзорларга оқизилаяпти...

Кўнглим ғашланди. Тўғри, деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни қўйишмасдан туриб, тўқинчиликка эриша олмаймиз. Лекин унга табиатга зуғум ўтказиш, булоқлару дарёларимизни қуритиш ҳисобига эришмоқ керакми?

Афсуски, заминимизнинг ажойиб мўъжизаси бўлган чашмалар манбаи — ер ости сувларига барҳам беришга ёлғиз янги ерларни ўзлаштиришгина эмас, балки узоқни кўзламасдан, ўнг-сўлимизга қарамасдан, саноатга зўр беришнинг ҳам касри ўрмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, Сўх дарёси бошланадиган ер ости сув ҳавзаси устида, тошлоқ майдонда барпо этилган Қўқон химия заводи чиқиндиларининг тупроққа сўрилиши оқибатида келажакда Фарғона вилоятини сув билан таъминлаш мушкуллашади. Келаси йилда аҳвол қандай бўларкан? Беш-ўн йилдан кейин-чи?

«Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси фақат ҳавони бўлғатибгина қолмасдан, ичимлик сувини ҳам издан чиқараётганлиги эндиликда сир бўлмай қолди. У ижозат берилганидан уч баравар кўп—йилига 64 минг 390 тонна чиқиндини атмосферага ташламоқда. Бундан ташқари талай миқдорда нефть ва нефть маҳсулотлари тупроққа сингиб кетаяпти. Корхонадан 6—8 чақирим олисда —қудуқлар сувида ҳам нефть сузиб юрганлигини кўриб ёқа ушлайсиз.

Шу кетишда 5—10 йил ўтмасдан водийдаги булоқлардан асар қолмайди-ку, ахир! Чашмаларни заминимизнинг кўз ёшлари деб эмас, табиатнинг инсонга беқиёс тортиғи, деб билмоғимиз, уларни авайлаб-асрамоғимиз, авлодларга асл holida қолдирмоғимиз зарур.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
ёзувчи.

Термизлик талабалар.

Т. МАМАТҚУЛОВ олган сурат.

Мактуб

МЕҲР ОҒУШИДА

Меҳр... Биргина мана шу сўз замирида олам-олам маъно мужассам. Инсонни меҳрсиз, меҳрни инсонсиз тасвирлаб бўлмайди. Меҳр ришталари кишиларни бирбирига боғлаб туради. Шундай олижаноб инсонлар борки, улар ўз ҳаётларини савобли ишларга бағишлайдилар. Шифокорлар ана шундай касб эгаларидир! Улар ўз ақл-заковатлари билан беморларга қайта ҳаёт бахш этадилар. Муқаддас ҳаётга қайтганлар эса тирикликнинг ғанимат ҳар бир куни учун шифокорларга таъзим бажо этишади, туғишганларидек уларни эъзозлашади.

Н. К. Крупская номли жумҳурият болалар суяк сили санаторияси шифокорлари шундай меҳри дарё кишилардандир. Бу ерда жажжи болажонларимизнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун барча шарт-шароит яратилган.

Санаторийда қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон жумҳуриятлари ва мамлакатимизнинг бошқа жойларидан келган кўплаб беморлар ўз дардларига шифо топишмоқда. Шифохона ходимлари эзгу ният билан хизмат қилмоқдалар. Бу ерда касалликни чуқур текшириш, аниқ диагнозлар қўйиш ва тез даволаш учун барча тиббий асбоб-ускуналар бор.

Болаларга ғамхўрлиқни энг юксак бурч ва олижаноб вазифа деб билган оталиқ ташкилот — Ўзбекистон Нефть маҳсулотлари давлат қўмитаси ходимларининг бефараз ёрдамлари билан павильонлар атрофи панжара билан ўралди, йўлаклар асфальт қилинди, юмшоқ ўриндиқлар олинди. Шунингдек, улар байрамларда хаста болаларга совғалар улашиш ва бошқа кўпгина хайрли ишлар билан дилларни шод этмоқдалар. Бу ғамхўрликни кўрганимиз боис уларга чексиз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Санаторийда меҳнат қилаётган барча меҳри дарё шифокорларга таъзим.

Ота-оналар номидан:

А. ШУКУРОВ.

ДАРДЛИ, ТАШВИШЛИ

ШАФҚАТСИЗЛИК

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига қараганда, ойнинг бошланиши жиноий муҳитнинг яхшиланишига умид туғдирмаяпти. 1 апрелдаёқ, шу куни содир бўлган ҳодисалар тўғрисидаги шошилинч хабарлардан маълум бўлишича, кўпчиликнинг кулишга ҳоли бўлмаган.

Уч марта қотиллик қилинганлиги қайд этилган. Зарафшон шаҳридаги «Самарқанд геология» ишчи таъминоти бўлимининг ишчиси кайфи бўлган К. Жусипова ўз эри —маҳаллий уй-жой қурилишининг фарроши бошига болта билан туширган, у шу заҳотиёқ ўлган. Кечаси соат 1 да Бектемирдаги 291-мактаб ўқувчиси Л. «Водник» мавзесидаги «Ор-эу» қаҳвахонасидан касалхонага келтирилган. Унинг бошига қандайдир ўтмас нарса билан қаттиқ урган эканлар. Жабрланганни қутқаришнинг иложи бўлмади. 295-мактаб ўқувчиси В. Ким ва 33-қишлоқ ҳунартехника билим юртининг талабаси Э. Пак шу иш юзасидан қидирилмоқда.

БЕКАТДАГИ ЎҒРИЛАР

Термиз бекатининг ходимлари, шу шаҳарда яшовчи П. Жумаев, О. Маҳмудов ва Р. Тангиров станцияда турган темирйўл вагонида буғдой ўғирлашаётганида қўлга тушишди. Қарши шаҳрида, темирйўлда ёғоч материалларини ўғирлаётган вақтда Нишон ремонт-қурилиш бошқармасининг ҳайдовчиси Х. Муродов ва ҳеч қаерда ишламайдиган қаршилик Х. Примов жиноят устида қўлга олиндилар. Қўқон бекатида поездлар тузувчи Т. Абдуназаров ҳам ярим вагондан ёғоч материалларини ўғирлашга уринди, лекин унинг қўли қайрилди. Бухорода милиция ходимлари темирйўл платформасида турган бульдозердан аккумуляторни ўғирлаётган А. Мингбоевни ушлаб олдилар. У шу станциянинг ўзида тиклаш поездининг қоровули бўлиб ишлайди.

Келтирилган мисоллардан кўринниб турибдики, темирйўлда ташилаётган халқ бойлигига давлат ана шу мулкни ишониб топширган темирйўл транспорти ходимлари кўз олайтирмоқдалар. Ушланган кишиларнинг ҳаммаси белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка ёки маъмурий жавобгарликка тортилди. Лекин бекат ўғрилари ишлаётган жамоаларда бу нохуш ҳодисалардан зарур хулосалар чиқарилдимикин?

БЕЧОРА ЧОРА ИЗЛАР

Бу дунёнинг ишлари ажаб қизиқ-да. Ҳаёт уммонида қайнаб, гоҳ шодланасан, гоҳи арзимаган нарсадан дилинг хуфтон.

Хўш, бунисига, нима дейсиз? Сирдарёдай чўли маликда одамлар «сувдан» безор бўлиб бормаган жойи, қоқмаган эшиги қолмабди. Аммо, афсус, буларнинг зори бормишу, дардига малҳами йўқмиш.

Комсомол районидаги Советобод қишлоқ Кенгашига қарашли «Ипакчилик» давлат хўжалигининг Фридрих Энгельс номли участкаси аҳолиси дардини эшитинг-а.

Аъзам НАСРИДДИНОВ: — Бир неча йилдан буён қишлоғимизни сув босади. Оқова ва зararли сувнинг чиқиб кетадиган жойи йўқ. Қатор ташкилотларга, район фирқа қўмитасининг биринчи котибигача мурожаат қилдик. Доим бизга ёрдам берамиз деб ваъда қилишади. Аммо «ваъда қоп-қоп, иш деса Хирмитдондан топ» қабилида, 60 хонадондан 30 таси захда ўтирибди. Ҳовлиси, ҳатто полининг тагини ҳам сув босган.

Участкамиз атрофидан табиий газ ўтган. «Автотехник хизмат кўрсатиш», «Облавтоинспекция», вилоят фирқа қўмитасининг дачасида, ҳатто қишлоғимизда ҳам зангори олов ловуллаб ёнаётир. Лекин бизнинг участкамиз аҳолиси бундан бебаҳра. Ахир биз қачонгача кўмир ёки тезак ёқиб ўтамиз?

Қосимжон ФОЗИЛОВ — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, иккинчи гуруҳ ногирони: — Кўчиб келганимизга 31 йил бўлди. Шундан буён қанча-қанча кўчат экканг бўлсак, ёз кўрмай қуриб қолади. Биз мева-чевалар конидан келган фарғоналикмиз. Афсус, биз боғ эмас, кўл ичида ўтирибмиз. Бу зах сувнинг асорати ёмон бўлади. У ҳадеганда сингиб кетмайди. Бир йили яхобга қўйилган сув қишлоқни босиб, ярим кечада қий-чув бошланди. Ҳамма ташвишга тушиб қолди. Эртасига насослар келтирилиб, у ишга тушгач, сув сатҳи пасайди. Бироқ артезиан қудуғининг суви ҳам шу ерда туриб қолади.

Болтабой ЭГАМНАЗАРОВ, пенсионер: — Кўчиб келганимизга йигирма йилдан ошди. Ҳар йили аҳвол шу. Сув босади. Оёқларимиздан резина этик қишин-ёзин ечилмайди. Фалакнинг гардишими ё яратганнинг ўзи кўнглига солдими, бир марта райижрокомнинг вакили келди. Шунда биз уйнинг лойиқ бузиб унинг тагидан пақирлаб сув олиб кўрсатдик. Ҳар қалай инсофи бор экан. Андижон насосини юбориб бир ойгина ишлатган бўлди.

Райижрокомга дод деб бораверib бизнинг бетимиз қотаётир, уларнинг энсаси...

Сайлаган депутатимизнинг саъй-ҳаракати билан икки юз метрлик зовур қазилган эди. Бироқ зовур зум ўтмай сувга тўлди. Ҳозир бу ерда сайроқи бақалар хониш қилаётир.

Азиза ТУРСУНМАТОВА, уй бекаси: — Бизнинг уйимизни ҳам сув босди. Болаларим билан захда ўтирибмиз. Бири касал бўлиб, бири тузалади. Арзи-ҳолимизни эшитадиган одам борми!!

Ҳа, азиз ўқувчи, буларни эшитиб, бизни ҳам ўй босди, қайғу босди. Нима ёрдам қилсак экан? Таниш-билишларга сим қоқиб резина этик топсакми, қурбақаларни еб битирсин деб илон жўнатсакми, ё овчилар жамиятидан бир отряднн эргаштириб борсакми? Йўғ-е, сал андишали бўлайлик. Ахир, Комсомол районида ҳам оқилу доно раҳбарлар бордир. Бир маслаҳатлашайлик. Нима дейсиз? А...

А. УМРЗОҚОВ.

ХАНДА

Янги уйланган йигит дўстига ҳасрат қилди:

— Қайлиғим жуда уятчанг-да, оғзини юмганча индамай ўтираверади. Нима қилсам экан?

— Иўли бор. Тилла тиш қўйдириб берсанг, оғзи очилади-қоладн.

* * *

Учрашувга шошаётган қиз дугонасига мақтанди:

— Биласанми, дугонажон, бугун севган йигитим менга уйланишини айтса керак.

— Бунн қаёқдан била қолдинг?

— У кеча хотинидан ажрашди-да.

М. ОТАХОНОВ.

Ана дедик, мана дедик, ниҳоят бозор иқтисодиётига ҳам ўтиб олдик. Унгача гоҳида ваҳима аралаш шов-шувлар ҳам кўпчиди.

— Эшитдингизми!! Фалон базада бунча мол тиқилиб ётганмиш. Дўкончи уйига давлат омборини кўчириб олганмиш...

Эл оғзига этак тутиб бўлармиди! Нима ҳам дердик. Шамол бўлмаса дарахт шохи қимирламайди. Аммо беқарор қолган эл мулки, катта хазиналар-чи!

Наманган вилоятида не-не машаққатлар билан йиғиб олинган ҳосил — 10 минг тоннадан зиёд пахта толаси уч йилдан буён пахта тозалаш заводларида чанг босиб ётибди. Эҳтимол, бу ҳам нарх-навонинг ошишидан пича чой-чақа ишлаб олишга умид қилганлар найрангидир. Бунга ҳам унча ишониб бўлмайди. Чунки у пайтлари бозор иқтисоди ҳақида гап йўқ эди. Балки завод раҳбарини турткилаш ҳам ноўриндир. Сабаби улар «Узглавлегснабсбит»дан махсус фармойиш кутишгандир. Ёхуд истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришда темир йўл вагонлари етишмаслиги ҳам ишнинг белига тепаётгандир. Ҳа, Гулбоғ ва Задарё районлари пахта тозалаш заводларига февраль ойида ажратилиши керак бўлган 29 та вагондан 5 тасигина етиб келди. Икки ўртада сиз суратда кўриб турганингиз — пешона тери маҳсули — оқ олтин ёғин-сочинда қолиб чиримоқда. Шунга айтадилар-да, бировлар ишига саратонда қўли музлабди деб.

— Халқ мулки, бойлиги бировники эмас-ку, — дейди Гулбоғ пахта тозалаш заводи тайёр маҳсулотлар бўлими бошлиғи Собиржон Олимов.

А. КОВТУН олган сурат. (ЎзТАГ).

СПОРТ

ФУТБОЛ

Илгари хабар берганимиздек, мамлакат чемпионатининг биринчи гуруҳида икки тур учрашувлари ниҳоясига етди. Унда айниқса уч жамоа — Тирасполнинг «Тилигул», Симферополнинг «Таврия» ва Камишининнинг «Текстильщик» футболчилари муваффақиятли қатнашдилар. Пировардида тўрт имкониятдан шунчадан очко жамғариб, пешқадамликни қўлга киритдилар. Маълумки, «Нефтяник» сафардаги икки учрашувда мағлубиятга учради. «Навбаҳор» эса бир ўйинда енгилиб, иккинчисини ютуқ билан якунлади.

Энди эътиборингизга ўйинлар жадвалини ҳавола этамиз.

	У	Т	О
«Тилигул»	2	3-0	4
«Таврия»	2	5-3	4
«Текстильщик»	2	3-1	4
«Буковина»	2	3-0	3
«Зенит»	2	3-1	3
«Локомотив»	2	3-2	3
«Ростсельмаш»	2	2-1	3
«Нефтчи»	1	1-0	2
«Ротор»	1	1-0	2
«Навбаҳор»	2	1-1	2
«Факел»	2	1-1	2
«Динамо» Сх	2	0-0	2
«Котайк»	1	0-0	1
«Зимбрул»	2	2-3	1
«Динамо» Ст	2	0-1	1
«Пардаугава»	2	0-1	1
«Кубань»	2	0-2	1
«Шинник»	2	0-3	1
«Қайрат»	1	0-1	0
«Нефтяник»	2	1-3	0
«Уралмаш»	2	1-3	0
«Геолог»	2	2-5	0

Навбатдаги тур учрашувлари 16 апрелда ўтказилади. Шу куни «Навбаҳор» ва «Нефтяник» жамоалари ўзаро куч синашадилар.

Чемпионлар кубоги учун дастлабки ярим финал учрашувларидан бири Москвада бўлиб ўтди. Пойтахт спартакчилари Франциянинг «Марсель» клуби билан учрашдилар. Ўйин давомида меҳмонлар бор маҳоратларини намойиш этиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпларни 27-минутда Пеле, 32-минутда Папен, 60-минутда Шалимов ва 86-минутда Веркрюисс киритишди.

БОКС

Таиланд пойтахти Бангкокда анъанавий халқаро мусобақа ўтказилаяпти. Унда қатнашаётган мамлакатимиз чарм қўлқоп усталаридан уч нафари финалга чиқди. 75 килограммгача бўлган вазнда тошкентлик Игорь Бунин олтин медаль учун кураш олиб бориш ҳуқуқини қўлга киритди. Шунингдек, ельцлик Сергей Клоков (81 килограммгача) ва қарағандалик Игорь Шишкин ҳам ана шундай имкониятга эга бўлдилар.

Ангарсклик Виталий Каргин (57 килограммгача) бронза медалини қўлга киритди.

ШАШКА

Орёлда эркаклар ўртасида мамлакат 37-биринчилиги давом этмоқда. Қатнашчилар орасида етти нафар гроссмейстер бор. Чемпионатда республикамиз шарафини тошкентлик Николай Мишчанский ҳимоя қилаяпти.

Шу кунга қадар уч тур мусобақалари ортда қолди. 2,5 очко жамғарган ёқутистонлик Валерий Хорин пешқадам бўлиб олди. Собиқ жаҳон чемпионлари Гантварг ва Шчеголевда иккитадан очко бор.

Харьковда эса аёллар ўртасида СССР биринчилиги ўтказилаяпти. Беш турдан сўнг харьковлик ўтган йилги чемпионатнинг бронза медали совриндори Т. Чуб 4 очко жамғарган ҳолда пешқадамлик қилаётир. Минсклик Т. Балякина, А. Хоруженко ва запорожьелик О. Казановуч учтадан очкога эга.

Муҳаррир
Н. ЁҚУБОВ.

Ойнаи жаҳонда

13 АПРЕЛЬ, ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».

9.00 Спорт кўрсатувлари: 1. Шоҳруҳ клуби. 2. Футбол майдонларида.

10.00 «Маҳфий агент». Бадиий фильм («Молдова-фильм»).

11.25 «Элга хизмат: талаб ва таклиф».

12.00 Араб тили.

12.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Муносабат».

13.15 Самарқанд вилояти Нарпай ноҳияси «Зарбулоқ» ансамблининг концерти.

13.40 «Осойишталик посбонлари». Тижорат кўрсатуви

14.30 «Меҳнатдан келур шараф». Хайробод пахта заводи.

* * *

18.00 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».

18.40 «Ўзбекистон» киножурнали.

19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Мультипанорама.

20.30 Москва. «Время».

21.15 Оқшом эртаклари.

21.30 Дил тароналари.

22.00 «Ҳафтанома».

23.00 «Санъат усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Маҳмуджон Ғофуров. Видеофильм.

00.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

8.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

● МТ I

Шанба, эрта саҳарлаб

6.00 В. Шувалов куйлайди.

6.30 Мультфильм.

6.45 Спорт ҳамма учун.

7.00 Ритмик гимнастика.

7.30 Тонгги дам олиш программаси.

8.00 «Сиз яратган боғ».

*

8.30 «ТСН».

8.45 Рязань Давлат рус халқ хорининг чиқиши.

9.00 «Бурда моден» таклиф этади...».

9.30 «Тонг юлдузи».

10.30 МТнинг олтин хазинасидан. А. Н. Островский, «Ўрмон». А. С. Пушкин номли Ленинград Давлат академик драма театрининг фильм-спектакли.

13.10 «Мутлақо махфий». С. П. Королёв таржимаи ҳолининг айрим саҳифалари». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).

14.30 «ТСН».

14.45 «Келажакни ўйлаб». Диний ва маданий мерос ҳақида.

15.50 Мультфильмлар.

16.20 1991 йил қушиқлари.

17.30 «Халқаро панорама».

18.15 Концерт.

19.10 Режиссёр А. Шахмалиева фильмлари. «Деразадаги нур» («Ленфильм», 1980 й.).

20.30 «Время».

21.15 «Робинзон ва Кузя». Катталар учун мультфильм.

21.30 «Александр томошалари», 2-кўрсатув.

23.15 «ВИД» таништиради: «Матадор».

Тунги телевидение

00.35 «Шерлок Холмс ва дўхтир Ватсоннинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 2 ва 3-серияслар.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

8.15 РСФСР Давлат духовой оркестрининг чиқиши.

8.30 «Майдон».

9.30 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Ю. Нагибин телевизион ҳужжатли фильмлари: «Икки портрет», «Болалар ҳаётидан ёки ўғирлик».

10.30 «Муаммолар тасвиридаги портрет» (хоккей бўйича СССР терма командасининг бош тренери В. В. Тихонов ҳақида).

12.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали. «Иттифоқ — жумҳуриятлар: ваколатларнинг белгиланиши». Москва — Киев — Минск — Олмаота телекўприги; Ю. А. Гагарин парвозининг 30 йиллигига; Кишинёв, Тбилиси, Ленинград, Ульяновск, Хабаровскдан видеоматериаллар.

15.30 «Плюс ўн бир» видеоканали.

19.00 «Севганингдан айрилма». Концерт.

19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!

19.45 Рус тили.

20.15 А. Федоров (балалайка) ва В. Сидельников (гитара) чалишдилар.

20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).

21.15 «Писмиқ». Телевизион бадиий фильм («Молдова-фильм», 1973 й.).

22.30 «Табиат ёдгорликлари». «Она замин ташвишида» туркумидан. Волганинг қуйи этакларидаги қўриқхоналар ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими— 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими—32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

БУЮРТМА № 5212 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64602. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12